O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№93 (746) 2023 йил 3 ноябрь, жума
uzbunyodkor | t.me/uzbunyodkor | uzbunyodkor | info@uzbunyodkor.uz | uzbunyodkor.uz
Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА

# Долзарб мавзу муҳокамаси

**Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси мажлисида аҳоли ўртасида ис газидан заҳарланиш ҳолатларининг олдини олишга оид қонунчиликка риоя қилиниши юзасидан бир неча мутасадди ташкилотлар, хусусан, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги масъул ходимларининг ахборотлари эшитилди.**



Йиғилишда ушбу ҳолатларни келтириб чиқараётган сабаблар ва уларнинг ечимлари муҳокама қилинди. Хусусан, турар жойлардаги газ плиталари, иситиш қозонлари, дудбуронлар ва вентиляция тизимини тафтишдан ўтказиш ва профилактика хизматлари кўрсатишни тизимли ташкил этиш асосий вазифалардан бири эканлиги таъкидланди. Мазкур хизматларни кўрсатиш тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат зарурлиги билдирилди.

Хусусан, йиғилишда вазирликнинг Кўп хонадонли уй-жой фондини бошқариш ва эксплуатация қилиш тизимини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Бобур Бойзоқов ҳам сўзга чиқиб, куз-қиш мавсумида энергетика тизимининг барқарор ишлашини таъминлаш, энергия ресурсларини кафолатли етказиб бериш тўғрисида маълумот берди. Таъкидланганидек, 2023-2024 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик доирасида республикадаги 5 593 та кўп квартирали уйни таъмирлаш режалаштирилган. Мазкур ишларга 280,5 млрд сўм маблағ ажратилиши белгилаб олинган.

Бугунги кунда 5 436 та кўп қаватли уй таъмирланган бўлиб, шундан 1 929 та уйнинг том қисми, 4 678 та кириш йўлаклари, 2 600 та электр тақсимловчи шит, 1 544 та ертўла қисмидаги муҳандислик-коммуникация тармоқлари, 1 167 та уйнинг фасад қисми таъмирланди. 4 678 та кодли, қулфли темир эшик ва 5 645 п/м фрамугаларга ойна ромлар ўрнатилди. Иссиқлик таъминоти соҳасида бугунги кунда 24 та қозонхона, 770 та қозон ва 559,6 километр узунликдаги иссиқлик тармоқларида мукаммал ва жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

# Бошқармада қабул кунлари



**Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармасида ҳафтанинг ҳар сешанба ва чоршанба кунлари фуқаролар қабули ташкил этилган.**

Навбатдаги қабулда ҳам аҳоли вакилларининг мурожаатлари тингланди. Жумладан, мурожаатлардан бирида Миробод туманида аҳоли хонадонлари орасида қурилаётган маиший хизмат объектидан фуқаролар норози экани айтилди. Мутасаддилар ушбу масалани жойига чиққан ҳолда ўрганадиган бўлдилар. Худди шу туманда лойиҳа-смета ҳужжатларига кўра бир қаватли бино қурилиши белгиланган бўлишига қарамай ҳозирда кўп қаватли уй-жой қурилаётганлиги юзасидан аҳоли шикоят билдирди.

Мазкур ҳолатлар юзасидан фуқароларга ҳуқуқий тушунчалар ҳамда қайта ўрганишлар ўтказилиши бўйича ҳудудий туман қурилиш бўлимларига кўрсатмалар берилди.

Қабулда келиб тушган 5 та мурожаатнинг 2 таси жойида ҳал қилинди. Қолган 3 таси юзасидан бир ҳафта ичида қайта ўрганишлар ўтказилиши таъкидланди.

# Тайёргарлик ишлари назоратда

**Бугунги кунда кўп қаватли уйларнинг техник ҳолатини сақлаш, ички муҳандислик тармоқларини созлаш, том ва ертўла қисмларидаги муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш ҳар қачонгиданда долзарб аҳамият касб этмоқда.**



Айни шу масалаларни муҳокама қилиш мақсадида қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Озода Жўраева Тошкент шаҳар ҳокимлиги биносида пойтахтимиздаги барча туман ҳокимларининг ўринбосарлари билан учрашди. Унда куз-қиш мавсумига кўрилаётган тайёргарлик ишлари, хусусан, тегишли давлат дастури асосида 2 000 га яқин кўп қаватли уйнинг ертўлаларида амалга оширилаётган таъмирлаш ишлари, том ва кириш йўлакларидаги мавжуд ҳолатлар муҳокама қилинди.

Вазир ўринбосари ҳокимлик биносида ташкил этилган штабда ҳам бўлиб, туманлар кесимида кўп қаватли уйларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш кўрсаткичлари билан танишди. Белгиланган регламентдан ортда қолаётган ҳудудларга қўшимча ёрдам кўрсатиш бўйича масъулларга топшириқлар берилди.

▶ 2-бет

# Лойиҳа давом этмоқда

Yashil makon



**Шаҳноза МАМАТУРОПОВА**, журналист.

**“Яшил макон” умуммиллий лойиҳасининг кузги мавсуми доирасида Тошкент вилоятида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси ходимлари томонидан Оҳангарон туманида 12 минг туп кўчат экилди.**

– Бугунги кунда экологик муаммолар ҳар қачонгидан долзарб аҳамият касб этмоқда, – деди бошқарма бошлиғи ўринбосари, бош архитектор Бунёд Саидхўжаев. – Мазкур лойиҳа ҳудудларда атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш имконини яратади. Рости, авваллари кўчат экиб, парваришига бепарво бўлганмиз. Эндиликда ҳар бир кўчат эътиборимизда.

Лойиҳа доирасида Оҳангарон туманида қарағай, қайрағоч, каталпа, ўрик, жийда, тут, бодом каби манзарали ва мевали дарахт кўчатлари экилди. Мазкур ҳаракатлар вилоятнинг бошқа туман ва шаҳарларида ҳам уюшқоқлик билан давом этмоқда.

# Улкан ўзгаришларга юз тутган воҳа

**Шухрат НОРМУРОДОВ**, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24-25 октябрь кунлари жойларда ислоҳотларнинг бориши, ҳудудлар ривожи ҳамда аҳоли турмуш тарзи билан яқиндан танишиш мақсадида Қашқадарё вилоятида бўлди. Сафар давомида давлатимиз раҳбари саноат, таълим ва тиббиёт муассасалари ҳамда маҳаллаларга ташриф буюриб, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишди. Шунингдек, ташриф давомида туманларни саноатлаштириш ва янги иш ўринларини очиш каби масалаларга ҳам эътибор қаратилди.**



Давлатимиз раҳбари бу борада “Sulton Tex Group” кластерининг тўқимачилик корхонаси фаолияти билан танишди. Бу корхона умумий қиймати 8 миллион 200 минг АҚШ доллари бўлган лойиҳа эвазига ўтган йили ишга тушган бўлиб, замонавий технология ва ускуналар самарасида йилига 5 миллион дона тикув-трикотаж маҳсулоти тайёрлаш қуввати яратилган. Эътиборлиси, кластер “янги маҳсулот – янги давлат” принципи асосида экспортни йўлга қўйган. Бугунги кунда сифатли товарлар АҚШ, Канада, Польша, Сингапур, Россия каби мамлакатларга тўлиқ экспорт қилинмоқда. Даромад, иш унумдорлиги ҳам шунга яраша юқори. Кластерда пахта етиштириш ва ишлаб чиқаришнинг тўлиқ занжирида 3 мингга яқин аҳоли меҳнат қилмоқда. Президент корхонадаги иш жараёни билан танишиб, бундай лойиҳаларнинг вилоят иқтисодиёти ва аҳоли бандлигидаги аҳамияти ҳақида фикр билдирди. Мутасаддиларга бу соҳада имкониятлар тўлиқ ишга солинмаётгани кўрсатиб ўтилди.

– **Аҳоли, айниқса, қишлоқ жойлардаги одамларга муносиб турмуш шароитлари яратиш ислоҳотларимизнинг асоси бўлиши керак**, – деди Шавкат Мирзиёев.

Шу ерда давлатимиз раҳбарига Шаҳрисабз, Китоб ва Қамаши туманларида туризмни ривожлантириш лойиҳалари тақдимот қилинди. Қишлоқларда инфратузилмани яхшилаб, сайёҳлик йўналишларига киритиш ҳамда аҳоли учун даромад манбаларини кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Қашқадарё вилоятига ташрифи давомида Қарши шаҳридаги Ойдин маҳалласида бўлиб, аҳоли турмуши, ҳудуддаги ободлик ва куз-қиш мавсумига тайёргарлик билан ҳам яқиндан танишди. Бу ерда 11 мингга яқин аҳоли яшайди. Ҳудудда иккита мактабгача таълим ташкилоти, битта умумтаълим мактаби мавжуд. Жорий йилда яна учта кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди. Маҳалла фаоллари Президентга ҳудуддаги ўзгаришлар, одамлар ҳаёти ҳақида сўзлаб берди. Бу ердаги кўп қаватли уйларда илгари тўртта оғир тоифадаги ширкат бўлган. Коммунал хизматларда муаммолар кўп эди. “Ойдин бошқарув сервис компанияси” ташкил этилиб, хизмат сифати яхшиланди.

Бу йил мавсум олдидан кўп қаватли уйларда куз-қиш мавсумига зарур чоралар кўрилди. Хусусан, ўнта уйнинг томи, юздан ортиқ йўлаклар таъмирланди, иссиқлик қувурлари изоляция қилинди. Бугунги кунга келиб, ҳудуд кўкаламзорлаштирилган ва “яшил макон” лойиҳаси доирасида олти минг тупдан ортиқ мевали ва манзарали кўчатлар ўтқазилган. Кўчалар асфальтланган, ёриткичлар ўрнатилган. Икки километрлик пиёдалар йўлакчаси ташкил этилган. Айни кунларда юртимизнинг барча ҳудудларида энг долзарб масала, куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари кетмоқда. Бу борада коммунал тармоқлар қайта кўриб чиқилиб, иссиқлик корхоналари модернизация қилинмоқда.



Маълумки, Қашқадарё вилоятида республикамиздаги энг кўп пахта етиштирилади. Уни қайта ишлаш, тайёр маҳсулотга айлантириш ҳажмини кўпайтириш орқали, яъни мато тўқиш ва бўяш йўлга қўйилса, туманларда қўшимча 60 минг кишини банд қилиш мумкин. Шу мақсадда “20 минг тадбиркор – 500 минг малакали мутахассис” дастури “Султон стайлз” корхонасида ҳам татбиқ этилмоқда. Амалий мономарказ ташкил этилиб, ишсиз аҳолини тўқимачилик касбига ўргатиш йўлга қўйилмоқда. Бу жараён икки босқичли бўлиб, аввал хотин-қизларга корхонадаги технология ва асбоб-ускуналардан фойдаланиш, меҳнат хавфсизлиги қоидалари ўргатилади. Кейинги босқичда улар мураббийларга бириктирилиб, бевосита иш ўринларида амалий билим ва кўникмаларни эгаллайди.

▶ 2-бет

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№93 (746) 2023 йил 3 ноябрь

# УЛКАН ЎЗГАРИШЛАРГА ЮЗ ТУТГАН ВОҲА




◀ 1-бет




Президент Шавкат Мирзиёев Қашқадарёга ташрифи давомида вилоят “Иссиқлик манбаи” давлат унитар корхонасининг Қарши шаҳрида янгидан бунёд этилган марказий қозонхонасини бориб кўрди. Ушбу мажмуа 12 Гкал қувватга эга. Бу ерга Туркиядан келтирилган 14 МВт-ли учта қозон ўрнатилди. Бунинг эвазига йилига 1,7 миллион метр куб табиий газни иқтисод қилиш имконияти яратилди. Марказ қурилиши жараёнида ҳудудга олти километр қопламали қувур тортилди. Иссиқлик тармоқлари ёпиқ тизимга ўтказилиб, йўқотишлардан ҳимоя қилинди. Ушбу мажмуанинг фойдаланишга топширилиши 38 та кўп қаватли уйдаги бир ярим мингдан зиёд хонадон ҳамда учта ижтимоий объектни иссиқ сув ва иссиқлик билан таъминлайди. Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга қишга тайёргарлик ишларини сифатли бажариб, энергия ва иссиқлик таъминотини барқарорлаштириш, энергия тежамкорлик маданиятини ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

Президент Шавкат Мирзиёев Қашқадарё вилоятига ташрифининг иккинчи куни Қарши шаҳридаги “Қавали” кичик саноат зонасида жойлашган бир қатор корхоналар билан танишди. Саноат зонасининг ер майдони олти гектар бўлиб, муҳандислик инфратузилмаси яхши ташкил этилган, транспортга жуда қулай. Шу боис ишлаб чиқариш жадал ривожланмоқда. Ҳозир бу ерда қурилиш материаллари, мебелсозлик, тўқимачилик, фармацевтика ва чарм саноати йўналишидаги 11 та лойиҳа жойлаштирилган. Шундан тўрттаси ишга туширилган бўлиб, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрланмоқда. Давлатимиз раҳбари улардаги иш жараёнини, маҳсулотларни кўздан кечирди.

“Pegas” корхонасида темирни қайта ишлаш, лак-бўёқ, эшиклар ҳамда текстил маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Ушбу лойиҳанинг қиймати 13 миллиард сўмдан зиёд бўлиб, бу ерда 150 та янги иш ўрни яратилди. Корхона маҳсулотларига ички бозорда талаб юқори. Кейинги босқичда қурилиш соҳасида муҳим саналган бошқа хомашёлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Натижада яна шунча янги иш ўрни яратилади.




“1-сон комплекс лойиҳа қурилиш-монтаж” хусусий корхонаси ҳам қурилиш материалларига ихтисослашган. Умумий қиймати 18,5 миллиард сўм бўлган мазкур лойиҳа йилига қарийб 2 миллион квадрат метр профнастил ва 250 минг квадрат метр сэндвич панеллар ишлаб чиқариш қувватига эга. Корхонада ҳозирда 45 киши меҳнат қилмоқда. Маҳсулот ҳажми ортиши эвазига келгусида иш ўринлари сони кўпайиши мўлжалланмоқда. “Karshi W and D Factory” корхонасида 50 турдаги эшик, юмшоқ ва қаттиқ мебеллар ишлаб чиқарилади. Бу лойиҳага 8,5 миллиард сўм маблағ йўналтирилиб, Германия, Туркия ва Хитойдан замонавий технологиялар келтириб ўрнатилган. Корхонада 26 та янги иш ўрни яратилди. Мазкур саноат зонасида яна еттита инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Улар ишга тушса, яна 725 нафар аҳоли бандлиги таъминланади.

Шу ерда Қашқадарё вилоятида 2024 йилга мўлжалланган инвестиция лойиҳалари тақдимоти ўтказилди. Хусусан, келгуси йил тўғридан-тўғри хорижий сармоя ва кредитлар эвазига жами 4 миллиард долларлик 36 та йирик лойиҳа, 656 миллион АҚШ долларилик 114 та ҳудудий лойиҳа шакллантирилган. Улар нефть-газ, кимё, тўқимачилик, чарм-пойабзал ва қурилиш саноати, туризм, қишлоқ хўжалиги тармоқларида бўлиб, асосан, маҳаллийлаштириш ва қайта ишлашдаги бўшлиқларни тўлдиришга қаратилган.

Қарши шаҳрида 25 октябрь куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида Қашқадарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича йиғилиш ўтказилди. Йиғилишда асосий эътибор саноат, туризм, қишлоқ хўжалиги ва тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилди. Хусусан, вилоятда йилнинг тўрт мавсумида ҳам туристларни жалб қилиш салоҳияти бор. Лекин бу ҳозир Шаҳрисабз шаҳри ва тоғли туманлар билан чегараланган. Йил бошидан бери Қашқадарёга 180 минг нафар хорижий сайёҳ келгани ҳолда, қўшни Самарқанд ва Бухорога 3,5 миллион нафар саёҳатчи келган. Давлатимиз раҳбари қулай инфратузилма яратиб, туристлар сонини кўпайтириш йўлларини кўрсатиб ўтди.

Жумладан, германиялик ҳамкорлар билан Шаҳрисабз туманидаги 3 та туризм маҳалласи мастер-режаси тайёрланган. Бунда 450 миллион доллар қўшимча инвестиция ва йилига 1 миллион сайёҳ жалб этадиган инфратузилма яратилади. Архитектура ечимлари қўллангани учун тадбиркорларда соҳага иштиёқ кучайди. Бунинг ҳисобидан Шаҳрисабзнинг ўзида йилига қўшимча 500 миллиард сўм тушум кутиляпти. 5 мингта янги доимий иш ўрни пайдо бўлиш имкони яратиляпти. Шу мақсадда, Шаҳрисабз аэропортида фуқаро авиацияси йўлга қўйилади. 1 январдан бошлаб, у ердан Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва водий вилоятларига маҳаллий рейслар кўпайтирилади. Тошкент–Қарши йўналишида авиарейслар ҳафтасига 2 мартадан 7 мартага оширилади. Натижада авиачипталар нархи 2 баробар арзонлашиши, хорижий ва маҳаллий сайёҳлар 3 баробар кўпайиши мўлжалланган.

Шунингдек, вилоятга автотранспортда келишни қулайлаштириш мақсадида “Тахтақорача” довонидан ўтиш талаблари енгиллаштирилади. Келгуси йилда довонда янги тоннель ва йўл қуриш лойиҳаси бошланади. Самарқанд билан Шаҳрисабзни боғловчи 30 километр йўл ҳамда Ғузор–Бухоро йўлининг 100 километр қисми таъмирланади. Қашқадарё вилояти ҳокими М. Азимов келгуси йилда 1 миллиард АҚШ доллари инвестиция олиб келиб, саноатда 40 триллион сўм маҳсулот ишлаб чиқариш, 500 миллион доллар экспортни амалга ошириб, 200 миллион АҚШ доллари импортни қисқартириш, 500 минг хорижий сайёҳ жалб қилиб, 550 минг аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича режаларини маълум қилди.



Суратларда: Қарши шаҳридаги Ойдин маҳалласи.
ЎзА.

ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА

◀ 1-бет

# Сурхондарё вилоятидаги объектлар ўрганилди

**Хабар бериб келаётганимиздек, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги мутахассислари бошчилигидаги ишчи гуруҳ ҳудудлардаги қурилиш жараёнлари билан танишмоқда. Навбатдаги манзил – Сурхондарё вилояти бўлди.**



Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Тоир Алиматов дастлаб вилоятнинг Жарқўрғон туманидаги “Янги Ўзбекистон” массиви қурилиши жараёни билан танишди. Туманнинг Қораёнтоқ маҳалласида барпо этилаётган “Янги Ўзбекистон” массивида жорий йилда 426 та хонадонли 20 та кўп қаватли турар жой фойдаланишга топширилади. Массивда 330 ўринли спорт залига эга бўлган мактаб, 180 ўринли мактабгача таълим ташкилоти ҳамда 50 қатновли оилавий поликлиника биноси қурилиши тугалланмоқда. Т. Алиматов турар жойлар қурилишини кўздан кечирар экан, бунда аввало, қурилиш маданиятига эътибор қаратиш лозимлигини масъулларга яна бир бор эслатди. Ижтимоий соҳа объектлари, хусусан, мактаб, боғча ва оилавий поликлиника қурилишида йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар берди ҳамда кўп хонадонли уйларни белгиланган муддатда сифатли тарзда фойдаланишга топшириш юзасидан вазифаларни айтиб ўтди.

Массивдаги 5 қаватли турар жой биносининг қурилиш ишлари тўхтаб қолган. Қурилиш маданияти, ишчилар хавфсизлиги каби масалаларга беписандлик билан қаралмоқда. Объект пойдеворини гидроизоляция қилиш ишлари қониқарсиз аҳволда. Мутахассислар шу каби камчиликларни кескин танқид қилди ва уларни бартараф этиш юзасидан ўз таклифларини билдирди.

Шунингдек, қурилиш жараёнида энерготежамкор технологиялардан фойдаланиш масалалари ҳам эътибордан четда қолган. Бу эса келгусида бинони иситиш ва совутиш тизимига салбий таъсир кўрсатади. Ушбу масалалар бўйича масъулларга тегишли кўрсатмалар берилди.

Сўнгра Ангор туманидаги “Янги Ўзбекистон” массивида олиб борилаётган қурилиш ишлари кўздан кечирилди. Бугунги кунда Шарқ гули маҳалласи ҳудудидаги 11 гектар майдонда барпо этилаётган “Янги Ўзбекистон” массивининг биринчи босқичида 15 та 5 қаватли, 300 хонадондан иборат турар жойлар шу йилнинг май ойида фойдаланишга топширилган. Массив бош режасига асосан бунёд этилган 180 ўринли мактабгача таълим ташкилоти ҳам аҳоли ихтиёрида. Шунингдек, 180 ўринли МТТ ҳамда мактаб қуриш ишлари ҳам давом эттирилмоқда. Умумий ҳисобда 23 та 5 қаватли уй барпо этилиши кўзда тутилган.

Кузатувлар давомида ушбу объектларда ҳам техник меъёр ва қоидалар қўпол равишда бузилаётгани аниқланди. Шунингдек, қурилиш майдони чиқиндилардан тозаланмаган. Бинонинг таянч устунларини ўрнатишда ҳам айрим жиҳатларга эътибор берилмаган. Шунингдек, ўрганишлар давомида аксарият уйлар фасадларини базальт билан қоплашда техник талаблар ҳисобга олинмагани кўзга ташланди. Вазир ўринбосари Т. Алиматов бу борада ўз эътирозларини билдириб, ишни ҳозирдан тўғри ташкил қилиш муҳимлигини айтди.

Таъкидлаш лозимки, бугун бутун дунёда бино ва иншоотлар инновацион, янги турдаги қурилиш материалларини қўллаш орқали сифатли, ҳар томонлама қулай, энергия тежамкор тарзда бунёд этилмоқда. Хусусан, ривожланган давлатларда сўнгги йилларда газобетон, базалт арматураси, базалт тоши ва шиша момиғидан иссиқлик сақловчи материаллар каби кўплаб энергиятежамкор қурилиш маҳсулотларидан фойдаланиляпти. Мамлакатимизда ҳам бу борада дунё тажрибаси қўлланилмоқда. Бино ва иншоотларни барпо этишда иссиқлик сақловчи материалларни қўллаш бўйича шаҳарсозлик нормалари ишлаб чиқилган.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги масъуллари иштирокидаги ишчи гуруҳи Термиз шаҳридаги 16-сонли мактабда ҳам бўлишди. Мазкур таълим муассасаси “Термиз таъминот” МЧЖ томонидан таъмирланган. Мактабда кўмир ёқилғиси орқали янги замонавий иситиш тизими йўлга қўйилган. Мактабни тўлиқ реконструкция қилиш қиймати 8 млрд 600 млн сўмни ташкил этади. Мавжуд ҳолат кўздан кечирилиб, бажарилиши зарур бўлган вазифалар юзасидан тавсиялар берилди.

Бугунги кунда Сурхондарё вилоятидаги 1 589 та кўп қаватли уй-жойларга 32 та бошқарув сервис компанияси (БСК) томонидан хизмат кўрсатиб келинмоқда. Жумладан, Термиз шаҳрида 14 та ана шундай БСКлар фаолияти йўлга қўйилган. Вазир ўринбосари Термиз шаҳридаги “Сарвар Термиз Сервис” БСКда бўлиб, унинг фаолияти, хизмат кўрсатиш турлари, кўп қаватли турар жойларда амалга оширилган таъмирлаш-тиклаш ишлари ва бошқа кўрсатилаётган хизматлар сифати билан ҳам танишди. Шунингдек, “Сарвар Термиз Сервис” БСК ўз маблағлари ҳисобидан компания ходимлари учун қуриб битказилган янги бинодаги шароитлар, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳамда автомобиллар учун турарғоҳ ҳам кўздан кечирилди. Масъулларга БСКнинг самарали фаолият юритишини таъминлаш, хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш бўйича тегишли топшириқлар берилди.

# Тадбиркор қураётган бинолар туман чиройини очяпти

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,** “O‘zbekiston bunyodkori”мухбири.

**“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари ҳаётга татбиқ этилганидан буён ҳудудлар қиёфаси тубдан ўзгариб, аҳолининг орзу-истаклари рўёб топмоқда. Кичик саноат ва ишлаб чиқариш корхоналарининг бунёд этилиши ҳисобига минглаб кишилар доимий ишли бўляпти. Шунингдек, кўп қаватли турар жойлар қурилиб, йўллар ва ички кўчалар тартибга келтирилмоқда.**

Бугунги кунда ана шу дастурлар ижросини таъминлаш жараёнида истеъмолимизга яна бир ибратли ҳаракат, яъни, “Оққўрғонликлар ташаббуси” кириб келди ва у республика бўйлаб оммалаштирилди. Пойтахт вилояти таркибидаги мазкур туман узоқ йиллар эътибордан четда қолиб, ижтимоий соҳалар, айниқса, ишлаб чиқариш тармоқлари ва турар жойларга муҳтожлик, йўллар инфратузилмаси сингари муаммолар ечим кутаётганди.

Ташаббуслар қўллаб-қувватланса, ҳар қандай ишга эришиш мумкинлигини бугун шу ҳудудда мазкур лойиҳа бўйича амалга оширилаётган ҳаракатлар мисолида кўриш мумкин. Туман тасарруфидаги қурилиш соҳасига ихтисослашган тадбиркор ва ишбилармонлар ташаббус билан чиқиб, шу ишга киришгач, корхона ва ташкилотлар ҳам уларни қўллашди. “Менинг маҳаллам – келажагим, фахрим” шиори остида бошланган бунёдкорлик ишлари туфайли маҳаллалар обод манзилга айланиб, туман марказида эса кўп қаватли уйлар, ишлаб чиқариш тармоқлари, хиёбонлар, мактаб ҳамда болалар боғчалари қурилиб, тор кўчалар кенгайтирилди. Қисқа давр оралиғидаги янгиланишлар туман қиёфасини замонавий тусга олиб кирди ва одамларнинг яшаш тарзи, интилишини ҳам ўзгартирди. Бугун ҳам ана шу ибратли ҳаракатлар узлуксиз давом этмоқда.

“Оққўрғонликлар ташаббуси” асосида қурилиш ва ободонлаштириш ишларида фаол иштирок этаётганлардан бири – Учқун Абдуллаев бошчилигидаги “ПМК-ПГС” МЧЖ жамоасидир. Дастлабки фаолиятини вақтинчалик ишсиз юрган ёшлар билан бошлаган тадбиркор ихчам иморатлар қурди. “Устоз-шогирд” анъанасига таяниб, ишчи-ходимларнинг тажрибасини орттирди. Қураётган бино ва иншоотлари замон талабларига мос бўлгани учун буюртмачилар ҳам кун сайин ортаверди.

Биргина мисол, тумандаги 32-сонли умумтаълим мактаби ҳамда 2-сонли болалар боғчасини таъмирлаш ва қўшимча хоналар қуриш юзасидан икки марта тендер танлови ўтказилди. Бироқ бу ишга талабгорлар чиқмади. Сабаби, ҳар иккаласи ҳам ҳаддан ташқари эскирган ва катта харажат талаб қиларди. Ушбу объектлар қурилишига “таваккал” деб киришган Учқун ака бу бунёдкорликлари келажакда корхонасини нафақат туманда, балки вилоятда ҳам танитишини хаёлига келтирмаганди.

Объектларда сифатли амалга оширилган ишлар ҳеч кимнинг назаридан четда қолмади. Шунга муносиб равишда буюртмачилар ҳам кўпаяверди. Оққўрғон туманидаги “Агробанк” филиали биноси, Санитария-эпидемология маркази, Маданият ва маърифат маркази, шунингдек, Ўрта Чирчиқ тумани Адлия бўлими, Бўка, Қуйи Чирчиқ каби туманларда қад ростлаган бир нечта мактаб, болалар боғчаси, давлат кадастр ташкилоти, маъмурий бинолар Учқун ака раҳбарлигидаги ишчи-ходимларнинг меҳнати маҳсулидир.

Жорий йил бошидан тадбиркор янада катта ишларни бошлади. Қуйи Чирчиқ туманида кўп қаватли турар жой қурилиши учун ўтган тендер танловида фаол қатнашиб, ғолибликни қўлга киритди. Ишчиларнинг саъй-ҳаракати ҳамда шартнома асосида қурилиш материаллари ўз вақтида етказиб берилгани ҳисобига ушбу объект Мустақиллик байрамининг 32 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, Оққўрғон туманидаги 39-ўрта мактаб ҳам сифатли реконструкция қилиниб, ўқувчилар ихтиёрига берилди.

Шу кунларда тумандаги маҳаллаларни янада ободонлаштириш ва ички кўчаларни тартибга келтириб, бу жойларда “Яшил макон” яратиш ишларига мазкур жамоа ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Бу ишларни ташкиллаштириш ва сифатли бажарилишида ишчи-ходимларнинг устози Ўткир Турсунов, таъминотчи Бунёд Тошпўлатов, бригадир Ўткир Тоғаев, ҳайдовчи Асадбек Ғаниев, Озод Турсунов, Туробиддин Турсунов ва Хумоюн Оққулов кабиларнинг ишлари бошқаларга ибрат бўлмоқда.

◀ ДАВОМИ. БОШИ ГАЗЕТАНИНГ 2023 ЙИЛ 27 ОКТЯБРДАГИ 91-92 (744-745) СОНЛАРИДА

**Ўзбекистон Республикаси қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг 2023 йил 16 майдаги 107-сон буйруғига ИЛОВА**

# ШНҚ 1.02.10-23 "ҚУРИЛИШ УЧУН МУҲАНДИСЛИК ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЗЛАНИШЛАРИ. ҚОИДАЛАР ТЎПЛАМИ"

59. Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун муҳандислик гидрометеорология изланишлари таркибий қисми қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

а) иқлим кўрсаткичлари:

ҳаво ҳарорати ва намлиги, атмосфера ёғинларининг миқдори ва интенсивлиги, шамол тезлигининг экстремал ва ўртача қийматлари;

қор қопламининг энг юқори миқдори ва тупроқнинг музлаш чуқурлиги;

хавфли атмосфера ҳодисалари (минимал даврий оралиқлар 3, 6, 12, 24 соатда ва 2, 5, 10, 20, 50, 100 ва 500 йиллик такрорланиш эҳтимолликларда) (ASCE/SEI 7 – 16).

б) дарёларнинг гидрологик режими:

сув ва чўкиндилар сарфи режими (минимал ва максимал сув сарфлари, даврий гидрографлари, сув сарфининг таъминланганлик эгри чизиқлари бўйича ва мавсумий йиллик тақсимоти) йирик ва муаллақ заррачаларнинг оқимга боғлиқ равишда сарфи, сатҳий режими (сувнинг энг баланд сатҳи);

сув босадиган ерларнинг чегаралари;

музлаш режими;

ўзан жараёнлари (ўзан жараёнларининг тури, уларнинг шиддатлилиги ва ривожланиш даражаси, қирғоқ деформациясининг тавсифи).

д) кўллар, сунъий сув омборлар режими:

сув сатҳининг максимал ва экстремал миқдорлари, сув (тўлқинининг) бостириб келиши ва қайтишидаги сатҳининг ўзгариши, сейшлар жараёнида сувнинг қирғоққа бостириб келишидаги сатҳи ва жараённинг даврийлиги, кучли зилзилалар вақтида акваториядаги тўлқинланиш жараёни (мегацунамилар), лимнологик жараёнларнинг тавсифи, сув омборлари қирғоқларининг емирилиш тури, йўналганлиги, интенсивлиги ва ривожланиш даражаси.

э) сел оқимларининг тарқалиш чегаралари, сел хавфи бўлган даврнинг давомийлиги, сел келишининг такрорийлиги (комплекс асослашга ҳудуднинг геологик тузилиши, кунлик ва суткалик максимал ёғин шароитида сел оқимларининг сарфи боғлиқлиги фонида эришилади).

ф) қор кўчкилари содир бўлишининг такрорийлиги, кўчкилар тарқалиши ва ҳаво тўлқини таъсирининг чегаралари, қор кўчкилари содир бўлиш даврининг давомийлиги.

г) юқоридагилардан ташқари қурилишнинг иқлим кўрсаткичларини киритиш лозим бўлиб, буларга:

ҳудудда қуёш радиация баланси маълумотлари;

ҳарорат ва шамол йўналишига боғлиқ равишда атмосфера намлиги кўрсаткичлари;

шамол йўналишига боғлиқ равишда шамол тезлиги ва ҳарорат кўрсаткичлари;

тупроқ қатламининг ҳароратига боғлиқ равишда музлаш чуқурлиги тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак.

## 6-БОБ. ИНШООТЛАР ҚУРИЛИШИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ АСОСЛАШ УЧУН МУҲАНДИСЛИК ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЗЛАНИШЛАРИ

60. Иншоотлар қурилишига инвестицияларни асослаш учун муҳандислик гидрометеорология изланишлари қуйидагиларни таъминлаши керак:

қурилиш участкалари (трассалар ўтиш жойи)нинг барча вариантларининг гидрометеорологик шароитларини ўрганиш;

қурилиш майдонига (трассга) хавфли гидрометеорологик жараён ва ҳодисалар таъсири эҳтимолини аниқлаш ва уларнинг кўрсаткичларини баҳолаш;

қурилиш майдонининг (трассанинг) оптимал вариантини (гидрометеорологик шароитлар бўйича) асослаш ва муҳандислик муҳофазаси чора-тадбирлари ва иншоотларини лойиҳалаш учун таклифлар киритиш.

61. Қўйилган вазифаларни ечиш учун қурилиш майдонини танлаш бўйича муҳандислик гидрометеорология изланишлари таркибида, уларни жойлаштиришнинг ҳар бир варианти учун:

изланишлар туманининг гидрометеорологик ва картографик ўрганилганлиги тўғрисидаги материалларни йиғиш ва таҳлил қилиш;

қурилиш майдони жойлаштирилиши мўлжалланган тумандаги сув объектларини рекогносцировка қилиш.

62. Чизиқли иншоот трассасининг йўналишини танлаш бўйича изланишлар таркибида қўшимча равишда қуйидагилар кўзда тутилиши керак:

трасса ўтказиладиган вариантларини, энг катта ва мураккаб сув объектларидан ўтиш жойларини ажратиб кўрсатган ҳолда камерал трассалаштириш (белгилаш). Ушбу ўтиш жойлари мукаммал кўрикдан ўтказилади;

ҳар бир рақобатчи вариантлар бўйича трасса ўтказиладиган йўлкада аэровизуал ёки ер юзида рекогносцировка текширишлари;

трасса сув объектлари бўйлаб ўтказилган жойларда ер юзида рекогносцировка текширишлари. Бунда улар режимининг чизиқли иншоотларга таъсир қилиш эҳтимолини аниқлаш керак;

ер юзида гидроморфологик текширишлар ва трасса муҳандис-гидрологик шароитлари мураккаб бўлган катта сув объектларидан ўтиш жойларида рақобатга қодир бўлган вариантларини ишлаб чиқиш.

63. Ўрганилганлик даражаси материалларини йиғиш ва таҳлил қилиш натижасида ва уларни рекогносцировка текширишлари натижалари билан тўлдириш натижасида, қурилиш майдони (трасса йўналиши)нинг ҳар бир варианти бўйича қуйидагилар олиниши керак:

дарё бассейни, ўзани ва қайири, кўлнинг, сув омборининг асосий характеристикаси;

ҳудуд (трасса йўли) иқлим шароитларининг асосий характеристикаси;

энг яқин гидрологик постлар бўйича сув максимал сатҳи ва сарфининг йиллик миқдорлари;

музлаш режими ва муз ҳаракати шароитлари тўғрисида маълумотлар;

ўзан деформациялари ва сув омбори қирғоқлари емирилиши ҳақида (турли йилларда амалга оширилган рельеф сёмкаларини таққослаш асосида ўрганилаётган участкадаги уларнинг характери, жадаллиги (интенсивлиги), йўналганлиги ва намоён бўлиш шакллари;

хавфли табиий жараён ва ҳодисалар (селлар, қор кўчкилари, қуюнлар, бўронлар, тўфонлар) содир бўлиш эҳтимоли ҳақида, уларнинг давомийлиги, такрорийлиги ва тарқалиш чегаралари тўғрисида маълумотлар;

иншоотлар майдони (трасса ўтиш жойи)нинг гидрологик режимига таъсир қилувчи, ўзанда жойлашган гидротехник иншоотлар ва дарё бассейнидаги хўжалик чора-тадбирлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар.

Чизиқли иншоотлар трассаси йўналишини танлашда гидрологик шароитларнинг асосий кўрсаткичлари ўрта ва катта дарёлардан ўтиш участкалари учун аниқланади.

64. Қурилиш майдони (трассаси)ни танлашда муҳандислик гидрометеорология шароитлари асосий (аниқловчи) бўлган ҳолларда ўрганилмаган ёки етарли даражада ўрганимаган ҳудудлар шароитларида жойлашадиган I ва II синф иншоотлари учун, муҳандислик изланишлари таркибида сув объектларининг метеорологик кўрсаткичлари ва гидрологик режим элементларини, ҳамда гидрометеорологик жараён ва ҳодисаларни кузатишлар кўзда тутилиши керак.

65. Ўрганилаётган ҳудуд салбий (нобоп) таъсирлар остида қолган ҳолларда, гидрометеорологик шароитларни дастлабки баҳолаш натижаларига кўра қурилиш майдони (трасса йўналиши)нинг оптимал вариантини танлаш бўйича ва иншоот муҳандислик муҳофазаси бўйича тавсиялар берилади ҳамда лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқиш учун муҳандислик изланишлари олиб бориш кераклиги асослаб берилиши керак.

66. Қурилиш майдони (трасса йўналиши)ни танлашда аниқланиши керак бўлган гидрометеорологик кўрсаткичлар рўйхати 7.1-жадвалда келтирилган.

**7.1-жадвал**

| Гидрометеорологик шароитлар | Гидрометеорологик кўрсаткичлар |
|---|---|
| **Иқлим** | Ҳаво ҳарорати, намлигининг экстремал ва ўртача қийматлари, атмосфера ёғинларининг миқдори ва интенсивлиги, шамол тезлиги ва йўналиши, қор қатлами баландлиги ва тупроқ қатламининг музлаш чуқурлиги ва атмосфера ҳодисалари |
| **Дарёларнинг гидрологик режими** | Сатҳлар режими (сувнинг энг баланд сатҳи, сув босадиган ерларнинг чегаралари, музлаш режими, ўзан жараёнларининг режими (ўзан жараёнларининг тури, уларнинг шиддатлилиги ва ривожланиш даражаси, қирғоқ деформациясининг тавсифи) |
| **Сув омборлари қирғоқларининг емирилиши** | Жараёнлар тури, уларнинг йўналганлиги, шиддатлилиги ва ривожланиш даражаси |
| **Селлар** | Сел оқимларининг тарқалиш чегаралари, сел хавфи бўлган даврнинг давомийлиги, сел келишининг такрорийлиги |
| **Қор кўчкилари** | Кўчкилар содир бўлишининг такрорийлиги, кўчкилар тарқалиши ва ҳаво тўлқини таъсирининг чегаралари, қор кўчкилари содир бўлиш даврининг давомийлиги. |

## 7-БОБ. ЯНГИ, КЕНГАЙТИРИЛАЁТГАН, РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИНАЁТГАН ВА ҚАЙТА ЖИҲОЗЛАНАЁТГАН ИНШООТЛАРНИНГ ҚУРИЛИШ ЛОЙИҲАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ УЧУН БАЖАРИЛАДИГАН МУҲАНДИСЛИК ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЗЛАНИШЛАРИ

67. Янги иншоотларни қуриш лойиҳасини ишлаб чиқиш учун бажариладиган муҳандислик гидрометеорология изланишлари натижалари қуйидаги вазифаларни ечишни таъминлаши керак:

Танлаб олинган қурилиш майдони (трасса йўналиши)нинг муҳандислик гидрометеорология шароитларига аниқлик киритиш ва қурилишга инвестициялар киритишни асослаш босқичини ишлаб чиқишда аниқланган сув объектларининг гидрологик режими ва туман (ҳудуд)нинг иқлим шароитлари кўрсаткичлари ишончлилигини орттириш;

хавфли муҳандислик гидрометеорологик жараён ва ҳодисалар таъсири остида бўлган участкаларни қидириб топиш ва лойиҳаланаётган объектларнинг муҳандислик муҳофазаси бўйича лойиҳа ва қурилиш чора-тадбирларини асослаш учун уларнинг, яъни хавфли муҳандислик гидрометеорологик жараён ва ҳодисаларнинг кўрсаткичларини аниқлаш;

иншоотлар асосий параметрларини танлашни асослаш ва улардан фойдаланишнинг гидрометеорологик шароитларини таъминлаш.

68. Муҳандислик изланишлари таркибида қуйидагилар кўзда тутилиши керак:

қурилиш ҳудуди (трасса йўли) гидрометеорологик ўрганилганлиги бўйича қўшимча материаллар йиғиш, шу жумладан ўрганилаётган сув объекти гидрологик режими бўйича ҳамда корхонадан фойдаланиш даври учун пост-аналоглар бўйича материаллар йиғиш;

экстремал гидрометеорологик кўрсаткичлар намоён бўлиши билан боғлиқ бўлган амалдаги корхонадан фойдаланиш шароитлари лойиҳасида кўрсатилган бузилишлар тўғрисида маълумотлар йиғиш;

манфаатдор ташкилотлар (санепидстанция, Ўзгидромет марказининг ташкилотлари) реконструкцияланаётган корхоналардаги сув объектларининг сифати ва режимига, уларнинг флора ва фаунасига ҳамда ҳаво ҳавзасига салбий (нобоп) таъсири тўғрисида маълумотлар йиғиш;

иншоот қурилишига инвестициялар киритишни асослаш босқичида олинган муҳандислик гидрометеорология изланишлари материалларини ўрганиш;

танлаб олинган қурилиш майдонини (трасса ўтиш жойини) рекогносцировка йўли билан текшириш, бунда мураккаб гидрологик шароитли участкалар учун махсус ишлар ва тадқиқотлар ўтказиш зарурати белгилаб олинади;

чизиқли иншоотлар трассасининг сув объектларидан ўтиш участкаларида ҳамда гидрологик режим таъсири доирасидан ташқарида жойлашган трассанинг сойлардаги участкаларида гидроморфологик ишлар олиб бориш;

гидрологик (метеорологик) постларни жойлаштириш учун жой танлаш ва гидрологик (метеорологик) режим элементларини кузатишни ташкил қилиш;

гидрологик (метеорологик) режим элементларини кузатишни амалга ошириш.

69. Трасса сел келадиган дарё ва қуруқ сойларни (уларнинг чиқиш конусларини) кесиб ўтганда ёки трассани қор кўчкилари тушиш ва ҳаво тўлқини зарби таъсири эҳтимоли бўлган зонада ўтказилганда муҳандислик изланишлари таркибида қўшимча равишда сел ва қор кўчкилари фаолиятини ўрганишни, шунингдек, уларнинг кўрсаткичларини ҳамда лойиҳаланаётган иншоотларга таъсири эҳтимолини башорат қилишни кўзда тутиш керак.

70. Селларнинг ҳисобий кўрсаткичларини аниқлаш учун муҳандислик изланишлари жараёнида қуйидаги маълумотлар ва материаллар олиниши керак:

сув йиғиш майдони ва очиқ сув оқимининг ҳисобий створгача бўлган узунлиги;

очиқ сув оқимининг ўртача нишаблиги;

ҳисобий участка (створ) доирасида очиқ сув оқимининг ўртача нишаблиги;

сув йиғгичнинг ўртача нишаблиги;

сув йиғгичнинг денгиз сатҳидан ўртача баландлиги;

сув йиғгичнинг ўрмон билан қопланганлигининг нисбий миқдори;

асосий ўзанга бевосита тушувчи асосий очиқ сув оқимининг ва барча сел талвегларининг бўйлама профиллари;

сел оқимлари ҳамда кўрилаётган сел йўли қуйиладиган асосий дарёлар кўрсаткичларини ҳисоблаш керак бўлган створлардаги кўндаланг профиллар;

ҳар бир кўндаланг профил бўйича ўзан ва қайирда йиғилган чўкиндилар гранулометрик таркибининг эгри чизиқлари.

Селларнинг ҳисобий кўрсаткичларини аниқлашда яна қуйидагилардан фойдаланилади: увалоқ ва кучсиз цементланган ётқизиқлар тарқалган зоналар, сурилмалар, қуламалар ва тўкилмалар участкалари ажратиб кўрсатилган муҳандис-геологик харитасидан, эрозия зоналари ажратиб кўрсатилган тупроқ-эрозия харитаси ва ўсимликлар харитасидан.

71. Қор кўчкиларидан муҳофаза қилиш иншоотларини лойиҳалаш учун қор кўчкилари кўрсаткичларини ҳисоблашда қор йиғиладиган майдон юзаси, кўчки фронтининг ўртача баландлиги, қор қатламининг ўртача зичлиги ва баландлиги, кўчки босиб ўтадиган масофа узунлиги, ёнбағирларнинг оғиш бурчаги тўғрисида маълумотлар олиниши керак.

72. Танлаб олинган қурилиш майдони сув объектларининг салбий (нобоп) таъсирига тушадиган ҳудудда жойлашган тақдирда муҳандислик муҳофазаси иншоотлари ва чора-тадбирларини асослаш учун ўтказиладиган кузатишлар таркиби таъсирнинг турини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши керак.

73. Ҳудудни сув босган тақдирда сув сатҳини кузатиб бориш, эпизодик равишда сув сарфини ўлчаб туриш, сувнинг бетонга нисбатан агрессивлигини аниқлаб, унинг кимёвий таркибини ўрганиш керак. Музларнинг тиқилиб қолиши оқибатида сув сатҳининг юқори кўтарилиши содир бўлган ҳолларда муҳандислик изланишлари таркибига баҳорги муз юришини, зарурат туғилганда кузги муз юришини ҳам кузатишларни йўлга қўйиш керак.

74. Қурилиш майдони ёнидаги ўзан қирғоқлари, унинг таги ва қайир юзаси емирилиши кузатилганда муҳандислик изланишлари таркибига ўзан жараёнларини кузатиш ишлари қўшилади. Ишларнинг таркиби ва ҳажми ўрганилаётган участкада ўзан жараёнларининг тури ва шаклидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Умумий ҳолда қуйидаги ишлар комплекси бажарилиши кўзда тутилиши керак:

кўндаланг профиллар бўйлаб дарё ўзанидаги сув чуқурлигини (зарурат туғилганда қайирдаги сув чуқурлигини ҳам) ўлчаш;

ўлчов створлари бўйлаб оқим тезлиги ва йўналишини ўлчаш;

ўлчов створлари бўйлаб оқимнинг лойқалигини ва чўкиндилар сарфини ўлчаш;

туб ётқизиқлардан намуналар олиш ва уларнинг гранулометрик таркибини аниқлаш.

75. Миқдорий нуқтайи назардан баҳолаш фақат ўзан жараёнини башорат қилиш ёрдамида амалга ошириш мумкин бўлган, қирғоқларнинг деформацияланиш шароитлари мураккаб бўлган ҳолларда муҳандислик изланишлари таркибида зарур бўлган ҳолатларда моделлаш усулларидан фойдаланишни ўз ичига олган махсус дастурлар (программалар) бўйича тадқиқотларни кўзда тутиш керак.

76. Ишлаб чиқариш ва бошқа мақсадларга мўлжалланган қурилиш объектлари муҳандислик муҳофазаси чора-тадбирлари ва иншоотларини асослаш учун олиб борилган изланишлар натижасида асосий гидрометеорологик кўрсаткичлар олиниши керак (8.1 жадвал).

77. Иншоотларнинг асосий параметрлари ва улардан фойдаланишнинг гидрометеорологик шароитларини танлашни асослаш учун зарур бўлган ҳисобий кўрсаткичларнинг таркиби иншоотлар турларини лойиҳалаш бўйича ушбу Қоидаларнинг 10-боби талабларига кўра аниқланади.

**8.1-жадвал**

| Гидрометеорологик шароитлар | Гидрометеорологик кўрсаткичлар |
|---|---|
| **Иқлим** | Ер юзасида ва баландликларда шамол тезлиги, йўналишининг тақсимланиши, ёғингарчиликнинг ҳисобий суткалик максимуми, яхвонлик деворининг максимал қалинлиги, илиқ ва совуқ даврларнинг давомийлиги, қор қатламининг пайдо бўлиш, сақланиб туриш, емирилиш ва эриб кетиш саналари, ҳаво ўртача суткалик ҳароратининг берилган кўрсаткичлардан ўтиш саналари, ҳаво ҳароратининг берилган миқдорларидан юқори ва паст бўлган даврларининг давомийлиги. |
| **Дарёларнинг гидрологик режими** | Сувнинг ҳисобий энг юқори сатҳи ва сарфи миқдорлари, ҳисобий сатҳларга тўғри келадиган ҳудудларни сув босиш чегаралари, муз ҳаракатининг (юришининг) энг юқори сатҳи, оқимларнинг ҳисобий тезликлари, башорат қилинадиган давр охирига тўғри келадиган ўзан режаланган силжишининг ўртача тезлиги ва қирғоқ деформация зонасининг чегараси. |
| **Кўллар, сув омборлари қирғоқларининг емирилиши** | Башорат қилинадиган давр охирига тўғри келадиган қирғоқ емирилиши зонаси чегарасининг ҳолати ва унинг ҳисобий профили |
| **Селлар** | Ёғингарчиликнинг ҳисобий суткалик максимуми, сел оқимининг максимал сарфи ва ҳажми, сел оқими ўтадиган зонанинг кенглиги, ҳаракат тезлиги, бир тошқин натижасида олиб чиқилган ётқизиқларнинг максимал ҳажми. |
| **Қор кўчкилари** | Қор кўчкисининг ҳажми ва ҳаракат тезлиги, қор кўчкиси ётқизиқларининг зичлиги ва қалинлиги, қор кўчкиси ва ҳаво тўлқинининг зарб кучи. |

78. Амалдаги иншоотларни кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техник қайта жиҳозлашни лойиҳалашни ишлаб чиқиш учун бажариладиган муҳандислик гидрометеорология изланишлари қуйидагиларни таъминлаши керак:

реконструкцияланаётган иншоотлардан фойдаланиш жараёнида таркиб топган сув объектларининг гидрологик режими ва иқлим шароитлари тўғрисида бирламчи маълумотларни олиш;

амалдаги иншоотларнинг қурилиши, улардан фойдаланиш билан боғлиқ сув объектларининг гидрологик режими ва иқлим шароитлари ўзгаришини баҳолаш ҳамда уларни илгари берилган башорат маълумотлари билан таққослаш;

реконструкция лойиҳасини гидрометеорологик асослаш учун ҳисобий гидрологик ва метеорологик кўрсаткичларини аниқлаш;

атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

79. Реконструкция (кенгайтириш, техник қайта жиҳозлаш) объекти таркибида қуйидагилар кўзда тутилиши керак:

аввалги даврларда амалдаги иншоотларни қуриш лойиҳасини ишлаб чиқиш учун бажарилган муҳандислик изланишлари материалларини йиғиш;

ўрганилаётган сув объектининг гидрологик режими бўйича, ҳамда иншоотлардан фойдаланиш даврида пост-аналоглар бўйича материаллар йиғиш;

лойиҳада белгиланган экстремал гидрометеорологик кўрсаткичлар намоён бўлиши билан боғлиқ амалдаги иншоотлардан фойдаланиш шароитларининг бузилиши тўғрисида материаллар йиғиш;

амалдаги иншоотларнинг сув экотизими ва атмосфера ҳавосига таъсири тўғрисидаги маълумотларни йиғиш.

80. Қуйидаги ҳолларда муҳандислик изланишлари таркибида сув объектлари режимини кузатиш, иқлим шароитлари ва гидрометеорологик жараёнларни ўрганиш кўзда тутилиши керак:

дастлабки баҳолашда лойиҳани асослаш учун қабул қилинган ҳисобий гидрологик кўрсаткичлар ёки иқлим шароитлари реал миқдорларидан фарқ қилиши аниқланганда;

реконструкцияланаётган корхонадан фойдаланиш даврида иншоотларга лойиҳада ҳисобга олинмаган салбий гидрометеорологик таъсирлар аниқланганда;

реконструкцияланадиган объектнинг атроф-муҳитга салбий таъсирининг олдини олиш учун зарур бўлган иншоотларнинг муҳандислик муҳофазаси лойиҳасини асослашни ёки чора-тадбирлари ва иншоотлар лойиҳасини асослашни ишлаб чиқиш талаб қилинганида;

иншоотларни реконструкциялаш лойиҳалари гидрометеорологик асослашни кўзда тутган янги ҳудудни саноат нуқтайи назардан ўзлаштиришни, амалдаги сув чиқариш манбаларидан сув тортиб олишни кўпайтириш ёки янги сув чиқариш манбаларидан фойдаланиш, саноат оқоваларини кўпайтириш ва бошқа хўжалик чора-тадбирларини кўзда тутганда.

## 8-БОБ. ИНШООТЛАР ҚУРИЛИШИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ДАВРИ УЧУН ИШЧИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ МАҚСАДИДА МУҲАНДИСЛИК ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЗЛАНИШЛАРИ ОЛИБ БОРИШ

81. Ишчи ҳужжатлар ишлаб чиқиш учун муҳандислик гидрометеорология изланишлари қуйидагилар учун олиб борилиши керак:

Гидрометеорологик жараёнлар ривожланиши ёки ишончли баҳоланиши узоқ вақт давомида кузатишларни талаб қиладиган сув объектлари режимини назорат қилиш зарурат туғилганда;

ҳисобий кўрсаткичларга аниқлик киритиш ва аввал бажарилган гидрометеорологик кузатишлар давомий бўлмагани учун уларни баҳолаш ишончлилигини ошириш учун.

82. Иншоотлар қурилиши ва улардан фойдаланиш даврида муҳандислик гидрометеорология изланишлари қуйидагилар учун олиб борилиши керак:

Масъул гидротехник иншоотлар (дарёларда йирик гидроузеллар, нефтконлари иншоотлари ва б.) қуришда;

қурилиш ишларининг хавфсизлигига таъсир қилувчи ва иншоотларнинг нормал ишлаш режимини бузувчи гидрологик ва метеорологик параметрлари тўғрисида тезкор ахборот олиш зарурати туғилганда;

қурилиш майдонининг ўта мураккаб табиий шароитларда жойлашиши ва хавфли гидрометеорологик жараён ва ҳодисалар ривожланишини, уларнинг иншоотларга салбий таъсирининг олдини олиш мақсадида, назорат қилиш зарурати туғилганда;

экологик жиҳатдан хавфли иншоотларнинг сув ва ҳаво муҳитига таъсирини назорат қилиш зарурати туғилганда.

Кузатишлар, қоидага кўра, ўрганилаётган участка режимининг фон кўрсаткичлари бўйича репрезентатив бўлган битта таянч постида амалга оширилиши керак.

## 9-БОБ. ХАВФЛИ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИК ЖАРАЁН ВА ҲОДИСАЛАР МАВЖУД БЎЛГАН ҲОЛЛАРДА МУҲАНДИСЛИК ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЗЛАНИШЛАРИ

83. Қурилиш учун хавфли деб ҳисобланган ва иншоотларни лойиҳалашда қайд қилиниши керак бўлган гидрометеорологик жараён ва ҳодисалар 10.1-жадвалда келтирилган.

84. Хавфли деб 5.1 ва 5.2-жадвалда кўрсатилган миқдорий кўрсаткичлар чегараларидан катта бўлган кўрсаткичли гидрометеорологик жараён ва ҳодисалар ҳисобланади.

**10.1-жадвал**

| Жараёнлар, ҳодисалар | Жараён ва ҳодисанинг таъсир қилиш тури ва характери | Жараён ва ҳодисанинг таъсир қилишининг тарқалиш ҳудудлари |
|---|---|---|
| Тошқин (сув босиши) | Жараён таъсир қилиш зонасида жойлашган бино ва иншоотларни сув босиши. | Дарё водийларининг таги, сув омборлари, кўллар ва қирғоқ зоналари. |
| Ниҳоятда кучли шамоллар, қуюнлар | Жараён таъсир қилиш зонасида жойлашган бино ва иншоотларга ҳалокат келтирувчи кучга эга бўлган динамик таъсир. | Жараён ҳаракати траекторияси йўналиши бўйлаб чўзилган фронт бўйича чегараланган йўлак. |
| Қор кўчкилари | Қор массаларининг ёнбағир бўйлаб ҳаракатланиши. Бу ҳаракатлар бино ва иншоотларнинг барча турига таъсир қилувчи қорнинг динамик босими ва зарбли ҳаво тўлқинлари билан бирга келади. | Қор кўчкиси тушадиган йўналишда. |
| Қор босишлар (уюмлари) | Корхоналар, транспортларнинг нормал ишлашини қийинлаштирувчи қор қатламларининг катта-катта уюмлари. | Метеорологик жараён ва ҳодисанинг таъсир зонаси. |
| Яхвонлик | Иншоотлар конструкциясининг, улар муз ва булдуруқ билан қопланиши оқибатида оғирлашиши. | Жараённинг ҳар хил кўрсаткичлари бўлган айрим табиий зоналар. |
| Сел оқимлари | Сел оқимининг иншоотларнинг барча турларига динамик таъсири, оқимнинг сел транспорт қилинадиган зонада ўзаннинг емирилиши ва материалнинг чиқиш конуси доирасида ётқизилиши. | Сел келадиган дарё водийсининг қия қисмлари ва вақтинчалик сув йўллари. |
| Ўзан араёни | Дарёнинг таги, ўзаннинг ва қайирнинг қирғоқларига аккумулятив-эрозион таъсири. Ушбу жараён бу ерда жойлаштириладиган иншоотларнинг мустаҳкамлигини ёки ундан нормал фойдаланиш шароитларини бузади. | Дарё ўзани, қайири ва уларга ёндош ҳудудларда. |
| Дарёлар, кўллар, сув омборлари қирғоқларининг емирилиши | Қирғоққа эрозион таъсир. Бунинг натижасида қирғоқ орқага чекиниб, унда жойлашган иншоотларнинг бузилиши (вайрон бўлиши) юз беради. | Дарёлар, кўллар, сув омборлари қирғоқлари бўйлари зоналарида. |

85. Хавфли гидрометеорологик жараён ва ҳодисалар содир бўлиш эҳтимоли бор зоналардаги муҳандислик гидрометеорология изланишлар қуйидаги вазифаларни ечиши керак:

қурилиш майдонини жойлаштириш учун хавфли гидрометеорологик жараён ва ҳодисалар таъсири зонасидан ташқарида (имконият доирасида) жой танлаш. Бундай жойни, зарурат туғилганда, гидрометеорологик жараён ва ҳодисаларнинг йўналишини ва ривожланишини ҳисобга олган ҳолда аниқланади;

иншоотлар ва (ёки) ҳудудларни муҳандислик муҳофазалаш лойиҳаларини ишлаб чиқишни асословчи гидрометеорологик жараён ва ҳодисалар кўрсаткичларини бевосита тадқиқотлар асосида аниқлаш.

86. Хавфли гидрометеорологик жараён ва ҳодисаларнинг кўрсаткичлари қуйидагилар асосида аниқланиши керак:

баҳолашнинг статистик усуллари асосида – содир бўлиши эҳтимоллик характерига эга бўлган жараён ва ҳодисалар учун;

улар ривожланишининг башорати – мунтазам равишда бир томонлама таъсир этувчи жараёнлар учун.

87. Кўп йиллик қирқимда Эҳтимоллик характерига эга бўлган хавфли гидрометеорологик жараён ва ҳодисаларнинг ҳисобий кўрсаткичларини аниқлаш учун фойдаланиладиган бирламчи ахборот ўзида кўп йиллар давомидаги уларнинг ҳар йиллик қийматлари кўрсаткичларига эга бўлиши керак ҳамда мазкур Қоидалар тўпламининг 5-боб 2-бандида кўрсатилган ахборот манбаларидан олинган энг кўзга кўринган максимумлар тўғрисидаги маълумотларга ҳам эга бўлиши керак.

## 10-БОБ. ИНШООТЛАРНИНГ ТУРИ ВА ФОЙДАЛАНИШ МАҚСАДИГА БОҒЛИҚ РАВИШДА ИЗЛАНИШ ИШЛАРИ ТАРКИБИГА ВА АНИҚЛАНАДИГАН ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРГА БЎЛГАН ТАЛАБЛАР

88. Ер усти сувлари базасида сув таъминоти манбалари учун муҳандислик гидрометеорология изланишлари қуйидагилар учун бажарилади:

сув билан таъминлаш эҳтимоли бўлган манбаларни талаб қилинадиган сувнинг миқдори ва сифатини ҳисобга олган ҳолда қидириб топиш учун;

сув тортиб чиқариш қурилмаларини ўрнатиш ва уларни ҳамда уларнинг иншоотларини жойлаштиришнинг оптимал варианти учун истиқболли участкаларни танлаш учун;

сув тортиб чиқариш қурилмаларининг конструкцияси ва параметрларини танлаш учун;

сув тортиб олишнинг сув экосистемасига салбий (негатив) оқибатларини баҳолаш учун.

Сув объектларидан сув билан таъминлаш манбаи сифатида фойдаланиш эҳтимолини аниқлашнинг асосий мезонлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

сувнинг кимёвий таркиби ва лойқалиги;

дарё оқимининг юқори қисмида саноат ва хўжалик-маиший оқовалар мавжудлиги, уларнинг ҳажми ва кимёвий таркиби;

сув йиғгич чегарасида жойлашган қишлоқ хўжалик ерларига солинадиган кимёвий ўғитлар ва заҳарли моддаларнинг таркиби;

▶ 4-бет

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№93 (746) 2023 йил 3 ноябрь

◀ 3-бет

**Ўзбекистон Республикаси қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг 2023 йил 16 майдаги 107-сон буйруғига ИЛОВА**

# ШНҚ 1.02.10-23 "ҚУРИЛИШ УЧУН МУҲАНДИСЛИК ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЗЛАНИШЛАРИ. ҚОИДАЛАР ТЎПЛАМИ"

сув объектининг ва унинг сув йиғгичининг санитария ҳолати, сувнинг бактериологик ифлосланишининг асосий сабаблари;

сувнинг минимал сатҳи ва сарфи дарё режимида сиртқи оқим мавжуд бўлмаган даврлар;

амалдаги сув тортиб чиқариш қурилмаларининг ишида ноқулай гидрологик ва гидробиологик шароитлар (фитопланктоннинг ривожланиши, сув ҳавзасини ўт босиши ва б.) билан боғлиқ бўлган узилишларнинг мавжудлиги;

хўжалик фаолияти оқибатида сув объекти табиий режимининг бузилиши.

89. Дарёнинг ёки бошқа сув объектининг сув билан таъминлаш манбаи сифатида, сув тортиб чиқариш қурилмаларини жойлаштириш ва улардан фойдаланишни дастлабки аниқлашни ҳисобга олган ҳолда қуйидагилар асосида аниқланиши керак:

ўрганилаётган туман ҳудудида аввалги йилларда амалга оширилган изланишлар материалларини йиғиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида;

рекогносцировка текширишларидан олинган материаллар асосида;

дастлабки гидрологик ҳисоблар асосида.

90. Сув тортиб чиқариш қурилмаларини ўрнатиш учун истиқболли бўлган участкаларни ташкил қилиш учун (етарли даражада ўрганилмаган ва умуман ўрганилмаган ҳудудларда) гидрологик режимнинг асосий элементларини, қоидага кўра, камида бир йиллик давр мобайнида кузатишни йўлга қўйиш керак.

Сув тортиб чиқариш қурилмаларининг лойиҳасини ишлаб чиқиш учун муҳандислик изланишлари, уни жойлаштириш учун танлаб олинган участкаларда, қурилишга инвестициялар киритишни асослаш босқичида аниқланган муҳандис-гидрологик шароитларни янада деталлаштириш ва лойиҳаланаётган иншоотдан фойдаланишга таъсир қилувчи сув объекти гидрологик режими кўрсаткичларига аниқлик киритиш мақсадида амалга оширилади.

91. Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун бажариладиган муҳандислик гидрометеорология изланишлари қуйидагиларни таъминлаши керак:

сув тортиб чиқариш қурилмаларининг иншоотларини жойлаштириш створи учун сув сатҳи ҳисобий кўрсаткичларини;

сув тортиб чиқариш қурилмасининг сувни қабул қиладиган қисмини ва қирғоқни муҳофаза қилиш иншоотларини жойлаштириш жойи учун оқимнинг юза қисмидаги тезлиги ва чуқурлик бўйича оқим тезлигининг тақсимланишини ўрганиш;

қурилиш мўлжалланган участкада дарё тубидаги чўкиндилар уюмлари параметрларини ўрганиш;

сув тортиб чиқариш қурилмаларидан фойдаланиш даврида ҳисобий створда қирғоқ деформациясининг башорати ва ўзаннинг ювилиш (емирилиш) чуқурлигини баҳолаш;

музлаш шароитларини ўрганиш ва музнинг ҳисобий қалинлигини аниқлаш.

92. Ер устидаги оқар сувлар базасида сув билан таъминлаш манбаларини муҳандислик гидрометеорология изланишлари натижасида сув билан таъминлаш манбаи (шу жумладан, керакли сифатли чучук сув захираси етарли эканлиги нуқтаи назардан) ва сув тортиб чиқариш қурилмаларидан фойдаланишнинг гидрологик шароитлари батафсил баҳоланиши керак ҳамда сувни тортиб чиқариш оқибатлари сув экотизими ва сув объектларининг гидрологик режимига таъсири баҳоланиши керак.

Аниқланиши керак бўлган гидрологик кўрсаткичларнинг рўйхати мазкур Қоидалар тўпламининг 11.1-жадвалида келтирилган.

93. Оқова сувларни тушириш иншоотлари қурилиши лойиҳасини ишлаб чиқиш учун муҳандислик гидрометеорология изланишлари қуйидагилар учун бирламчи маълумотларни олишни кўзда тутиши керак:

сув объектини, оқоваларни чиқариб юбориш створи жойлашган жойни ва, зарурат туғилганда,тозалаш иншоотлари жойлашган жойни танлаш;

оқова сувларни суюлтириш шароитларига оптимал даражада жавоб берадиган ва атроф-муҳитни муҳофазалаш талабларига риоя қилган ҳолда оқова сувларни чиқариб юбориш иншоотларидан фойдаланишнинг муҳандислик гидрология шароитларига жавоб берадиган конструкциясининг турини танлаш;

**11.1-жадвал**

| Гидрологик шароитларнинг кўрсаткичлари | Сув олиш жойларини қуриш лойиҳасини асослаш муаммоларини ҳал қилишда ҳисобга олинадиган гидрологик хусусиятлар | |
|---|---|---|
| | Сув тортиб чиқариш қурилмаларини ва сувларни тушириш иншоотларини жойлаштириш вариантларини танлашда | Танлаб олинган вариантга қўшимча |
| Сув сатҳи | Ҳисобий минимал ва максимал қийматлар. | |
| Сув ҳарорати | Минимал ва максимал қийматлар. | |
| Сувнинг лойқалиги | Ҳар кунлик, максимал, ўртача ойлик ва йиллик, йил орасида тақсимланиши, муаллақ ҳолдаги зарраларнинг гранулометрик таркиби. | Сув тортиб чиқариш қурилмаси створининг ҳар хил чуқурликларида. |
| Муз режими | Музлаш, очилиш, муз оқишининг бошланиш ва тугаш саналари, сув аро музларнинг, муз уюлиб ва тиқилиб қолишининг, сув орасидаги музлар тиқилишининг мавжудлиги. | Музнинг ҳисобий қалинлиги, айрим муз бўлакларининг ўлчамлари, муз бўлаклари уйилган ва музнинг қирғоққа чиқиб қолган жойлари, муз уюмларининг, тиқинларининг ҳосил бўлиши. |
| Оқим тезлиги | Юзадаги ва ҳар хил чуқурликларда. | |
| Сувнинг сифати | Кимёвий таркиби ва санитария ҳолати, фитопланктон, зоопланктон ва сув ўтларининг мавжудлиги. | Фитопланктон, зоопланктон ва сув ўтлари турларининг таркиби ва миқдори. |
| Ўзан деформацияси | Жараённинг тури, у содир бўлишининг (намоён бўлишининг) характерли белгилари ва йўналиши. | Қирғоқлар ва ўзан тубининг деформацияси, дарё тубидаги чўкиндилар уюмларининг параметрлари. |
| Йирик ва майда дарёлардаги тўлқинланишлар | Изланишлар давридаги тўлқинланишлар. | "Хавфли йўналишлар" учун тўлқиннинг ҳисобий баландлиги. |

Эслатма. Оқова сувларни чиқариб юбориш учун изланишларда тўлқинланиш, фитопланктон, зоопланктон ва сув ўтларининг кўрсаткичлари аниқланмайди.

сувларни тушириш муҳандислик муҳофазаси чора-тадбирлари ва иншоотларини ишлаб чиқиш (зарурат туғилганда);

оқова сувларни тушириб юборишнинг сув экотизимига таъсирини баҳолаш.

Сув объектларининг оқова сувларни қабул қилиб олувчи сифатида фойдаланишга яроқлилигининг энг асосий мезонлари деб унинг сувлилиги ва оқим жадаллигини ҳамда сувнинг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаш керак.

Сув объектини танлашда, оқова сувларни, улар энг юқори даражада тозаланган ва ҳатто тоза чучук сув билан аралаштирилган бўлса ҳам, сув ҳавзаларига ва оқар сувларга ташлашда, амалдаги мавжуд чекловларни (амалдаги норматив ҳужжатлар талабларига кўра) ҳисобга олиш зарур.

94. Сувларни тушириб юбориш иншоотларини жойлаштириш жойлари қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда танланади:

оқим бўйича қуйида, ер усти ёки ер ости сувларини тортиб олиш иншоотларининг мавжудлиги;

дарёга қуйиладиган сифатли таркибли оқова сувлар тушишининг мавжудлиги;

дарёнинг балиқчилик нуқтайи назаридан аҳамияти, балиқ уруғ қўядиган жойларнинг мавжудлиги, майда балиқчалар миграцияси учун йўлларнинг ва улар қишлайдиган чуқурчалар жойлашган жойларнинг мавжудлиги;

қўриқхонага айлантирилган ва алоҳида муҳофаза зоналарининг, санитария муҳофазаси зоналарининг, курортлар ва сув ҳавзаларида чўмилиш учун ажратилган жойларнинг мавжудлиги.

95. Сув объекти ва сувларни тушириб юбориш иншоотларини жойлаштириш жойларини танлаш бўйича масалалар қуйидаги асосларда ечилади:

изланишлар туманининг гидрологик ва картографик ўрганилганлик материаллари асосида;

гидрометрик ва геодезик ишлар комплекси билан биргаликда бажарилган рекогносцировка текширишлари натижалари асосида;

гидрологик ҳисоблашлар, шу жумладан сув ҳавзалари ва оқар сувларнинг ўзини-ўзи тозалаш қобилиятини ҳисобга олган ҳолда уларга оқава сувларни аралаштириш ҳисоблашлари асосида.

Оқова сувларни тушириб юбориш иншоотларининг лойиҳасини ишлаб чиқиш учун муҳандислик изланишлари дарёнинг танланган участкасида изланишларнинг аввалги босқичларида олинган дарё гидрологик режимининг ҳисобий кўрсаткичларига аниқлик киритиш мақсадида бажарилади. Бу ҳолда сувларни тушириб юбориш иншоотлари жойлашадиган створ учун ўзан жараёнлари динамикасига ҳам аниқлик киритилади.

96. Муҳандислик изланишлари натижасида сувларни тушириб юбориш иншоотларининг лойиҳасини ишлаб чиқиш учун зарур бўлган ҳисобий гидрологик кўрсаткичлар аниқланиши керак. Бунда 11.1-жадвалда келтирилган рўйхатга кўра оқова сувларини аралаштириш ва сув ҳавзасининг ўзини-ўзи тозалаш шароитлари ҳисобга олишини керак.

97. Автомобиль ва темир йўлларни лойиҳалашда ўтказиладиган муҳандислик гидрометеорология изланишлари трассанинг йўналишини ва иншоотлардан фойдаланишни таъминловчи уларнинг конструктив ечимларини баҳолаш учун етарли бўлган сув объектининг гидрологик режими ва туманнинг иқлими тўғрисидаги асосий маълумотларни олиш учун бажарилади.

Аниқ қўйилган қурилиш вазифаларига боғлиқ равишда уларнинг гидрометеорологик асосланиши қуйидагилар учун кўзда тутилади:

йирик ва ўрта кўприклар учун;

кичик сув йўллари орқали ўтадиган сув ўтказувчи иншоотлар учун;

йўл тупроқ пойи ва уни дарё оқими, ер усти сувлари ва қор босишлардан муҳофаза қилиш воситалари учун.

Автомобиль ва темир йўллар трассаси йўналишини танлаш учун муҳандислик изланишлари таркибида қуйидаги ишлар бажарилади:

ўрганилаётган туманнинг ва йўлнинг рақобатчи йўналишларини, гидрометеорологик ва картографик ўрганилганлик материаллари асосида ўрганиш;

аэровизуал гидроморфологик текширишлар;

аниқ ажралиб турмайдиган сув айирғичларни, сунъий суғориш тармоқларини, чиқариш конусларини ва бошқаларни аниқлаш бўйича ер устида рекогносцировка текширишлари;

трасса кесиб ўтадиган ботқоқланган ҳудудларни (сув босадиган чегараларни ва сув сатҳи энг баланд нуқталарни белгилаш мақсадида) ва жарлик-сойликлар тармоғини (уларнинг эрозион фаолиятини баҳолаш мақсадида бирламчи материалларни йиғиш билан бирга) текшириш;

эталон ва мураккаб участкаларда кичик ва ўрта сув йиғгичларни ер устида туриб рекогносцировка қилиш;

ўта мураккаб ўрта ва йирик сув йўлларини ер устида туриб рекогносцировка қилиш;

гидрологик ва гидравлик ҳисоблашлар.

98. Дарё водийлари бўйлаб қуриладиган йўллар учун бажариладиган ишлар таркибига дарё водийсининг энг тор еридаги эталон участкаларда дарё кўндаланг створларининг морфометрик текширишлари қўшилади.

Изланишлар ҳудудида амалдаги сув ўтказувчи иншоотлар мавжуд бўлган тақдирда изланишлар ишлари таркибига лойиҳаланаётган иншоотларнинг тўғрироқ ўлчамларини ва ҳисоблашларда ишлатиладиган гидрометеорологик кўрсаткичларни баҳолаш учун қўшимча маълумотлар олиш учун уларни кўздан ўтказиб текширишни киритиш керак.

Гидрометеорологик ўрганилганлик материалларини йиғишда алоҳида эътиборни қуйидаги маълумотларга қаратиш керак:

ёғингарчиликлар, қор қатлами қалинлиги, қор бўронлари, қум босишлари, музлаш қатлами қалинлиги, шамол, ҳаво ҳарорати, туманлар, момоқалдироқлар тўғрисида;

экстремал гидрометеорологик ҳодисалар (сув тошқинлари, жалалар, муз тиқилишлари) тўғрисида;

дарё ўзанларининг деформацияланиш жараёнлари ва сув эрозиясининг бошқа турлари тўғрисида;

дарёлардаги лойиҳаланаётган ва мавжуд гидротехник иншоотлар ва уларнинг гидрологик режимга таъсири тўғрисида;

кема қатновлари ва б. тўғрисида.

99. Трассанинг ҳар бир варианти учун гидрометеорологик ва картографик ўрганилганлик материалларини йиғиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида дастлаб қуйидагиларни белгилаб олинади:

сув объекти орқали кесиб ўтиш жойларининг миқдори ва тури;

трассанинг бир турли гидроморфологик шароитли участкалари чегаралари;

йирик кўприкларнинг умумий сони ва жойлашган жойи, мазкур жойлардаги створларда дарёлар кесимининг шакли.

100. Аэровизуал гидроморфологик текширишлар жараёнида йўлнинг барча рақобатчи йўналишлари бўйича бир турли гидроморфологик шароитли участкаларнинг чегаралари белгиланади, эталон участкаларнинг сони, жойлашган жойи ва узунлиги аниқланади ҳамда трасса ўрта ва йирик сув йўлларидан ўтиш жойларининг баённомаси тузилади.

101. Майда ва ўрта сув йиғгичларни ер устидан туриб рекогносцировка текширишларини эталон участкаларда ва ўта мураккаб ўтиш жойларида қувурлар ва кичик кўприклар қуриш ишларининг ҳажмини аниқлаш учун амалга оширилади.

Йирик ва ўта мураккаб кўприкларни гидрометеорологик нуқтайи назардан асослашни мустақил (алоҳида олинган) объектлар учун ҳам, ва янги йўналишлардаги йўлларнинг таркибига кирувчи объектлар учун ҳам бажарилади.

102. Ўтиш жойининг ўрганилганлик даражаси ва мураккаблигидан қатъи назар, дала ишлари таркибида морфометрик текширишларни кўзда тутиш керак. Зарурат туғилганда муҳандислик изланишлари таркибига барча бирламчи маълумотларни амалдаги постлардан ўтиш жойининг створига боғлаш ва кейинчалик кўчириб ўтказиш учун қисқа вақтларда бажариладиган гидрологик кузатишларни ташкил қилиш ва олиб бориш ишлари қўшилади.

103. Автомобиль ва темир йўллар қурилишига инвестицияларни асослашни ишлаб чиқиш учун бажариладиган муҳандислик гидрометеорология изланишлари натижасида ҳар бир ўрганилаётган вариант бўйича қуйидагилар аниқланиши керак:

трасса ўтказиладиган туман иқлим ва гидрологик шароитларининг умумий характеристикаси;

трассанинг хавфли гидрометеорологик жараён ва ҳодисалар (селлар, қор кўчкилари ва б.) таъсирига тушиб қолган участкаларнинг чегаралари;

трассанинг эталон участкаларидаги сувларни чиқариб ташлайдиган ва сувларни ўтказиб юборадиган иншоотларнинг умумий сони;

кўприклар ва кичик дарёлар эталон участкалари учун дастлабки ҳисобий гидрологик кўрсаткичлар;

кўприкларнинг ўтиш участкаларида ўзан жараёнларининг мавжудлиги, уларнинг интенсивлиги ва йўналганлиги;

катта дарёларнинг ўтиш участкаларидаги кесимларнинг намунавий конфигурацияси ва кўприклар оғзи ҳамда конструкциялари схемаси, бошқарув ва мустаҳкамловчи иншоотларга ёндашиш жойлари тўғрисида дастлабки маълумотлар;

катта ва ўта мураккаб кўприклар таянч устунларини ўрнатиш чуқурлиги бўйича дастлабки маълумотлар.

104. Автомобиль (темир йўл) йўл трассасининг танлаб олинган йўналишида муҳандислик-гидрометеорологик изланишларни унинг иншоотлари лойиҳасини гидрометеорологик нуқтайи назардан асослаш учун ва муҳандислик муҳофазаси иншоотлари ҳамда чора-тадбирларини (агар трассага хавфли гидрометеорологик жараён ва ҳодисалар таъсир қилиш эҳтимоли бўлса) ишлаб чиқиш учун бирламчи маълумотлар олиш мақсадида бажарилади.

105. Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун бажарилган муҳандислик изланишларининг дастлабки босқичида йўл қурилишига инвестицияларни асослаш босқичида олинган гидрометеорологик асослашнинг материаллари ўрганилади ва қўшимча бирламчи маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ҳамда умумлаштириш ишлари амалга оширилади.

106. Муҳандислик изланишлари таркибида гидрологик ва (ёки) метеорологик кузатувларни ташкил қилиш ва олиб бориш зарурати туғилганда қуйидаги муҳандислик изланишлар тури кўзда тутилади:

сатҳ ва қиялик постларни ташкил қилиш ва уларда ҳар куни кузатувлар олиб бориш;

сувнинг оқиш тезлиги ва сарфини ўлчаш;

муз қатламининг қалинлигини ўлчаш ва муз бўлаклари ва қатқалоғининг ўлчамларини белгилаш;

шовуш – муз кўчиши баландлигини, муз ҳаракатини, энг юқори шовушнинг ўлчами ва фаоллигини белгилаш;

дарё тубидаги чўкиндилардан намуналар олиш ва уларнинг гранулометрик таркибини аниқлаш;

ўзан ва қайир деформацияларини ўрганиш.

107. Трассадан фойдаланиш шароитларига тубдан таъсир қилувчи сув ўтказувчи иншоотларнинг мураккаб гидрологик режими ҳамда ўта мураккаб табиий шароитли туманларда (селлар, карст, қор кўчкилари) ва улар етарли даражада ўрганилмаганлиги сабабли гидрологик постда ишлар таркиби анча кенгайтирилиши, ҳатто махсус дастурлар бўйича бажариладиган тадқиқотларни ҳам қўшиш мумкин.

108. Трассанинг эталон участкаларидаги муҳандислик изланишлари ишларининг таркибини белгилашда, қоидага кўра, ҳудуднинг тўлиқ ўрганилмаганлигидан ва кичик дарёларнинг максимал оқиш ҳажмининг кўрсаткичларини ҳисоблаш учун аналог-дарёларнинг амалда бўлмаслигидан келиб чиқиш керак. Ишларнинг таркиби ва мазмуни максимал оқиш ҳажмининг кўрсаткичларини баҳолаш учун қабул қилинадиган усулга боғлиқ равишда аниқланади.

109. Автомобиль ва темир йўл трассалари учун муҳандислик гидрометеорология изланишлари натижасида 11.2-жадвалда келтирилганга мос келадиган гидрометеорологик кўрсаткичлар олиниши керак.

**11.2-жадвал**

| Табиий шароитларнинг кўрсаткичлари | Автомобиль ва темир йўллари қурилиши лойиҳаси ечимида ҳисобга олинадиган гидрометеорологик кўрсаткичлар | |
|---|---|---|
| | Автомобиль ва темир йўллари трассаси йўналишини танлашда | Танлаб олинган трасса йўналишида қўшимча |
| Иқлим | Ҳаво ҳарорати ва намлигининг, атмосфера ёғинларининг, шамолнинг экстремал ва ўртача миқдорлари; қор қопламининг энг юқори баландлиги ва грунтнинг музлаш чуқурлиги; атмосфера ҳодисалари. | Ҳаво ҳароратининг 0° С дан ўтадиган кунлари миқдори, момоқалдироқнинг такрорийлиги, шамолнинг такрорийлиги ва устувор йўналишлари, туманли ва яхли кунлар миқдори, қор қопламининг ҳисобий қалинлиги; қор қопламининг ва яхли даврнинг давомийлиги, қор бўронли шамолларнинг устувор йўналишлари, қорнинг бир ердан иккинчи ерга кўчиш тафсилоти, экстремал метеорологик ҳодисалар (жала, шамол ва б.) тўғрисида маълумотлар. |
| Кичик дарёлар ҳавзасидан тушадиган максимал сув миқдори | Жала оқими ва баҳор тошқинлари оқимларининг шаклланиши тўғрисида маълумотлар. | Максимал сув сарфи ва сув сатҳининг ҳисобий қийматлари; ёғингарчилик ва баҳор тошқинларининг гидрографлари; ёғингарчиликнинг суткалик максимуми ва уларнинг ҳар хил вақт оралиғидаги интенсивлиги. |
| Ўрта ва катта дарёлар ҳавзасидан тушадиган максимал сув миқдори | Сувнинг максимал сарфи ва сатҳи, муз шароитлари тўғрисида маълумотлар. | Сувнинг максимал ҳисобий сарфи ҳамда унинг ўзан ва қайир орасида тақсимланиши; сувнинг максимал ҳисобий сатҳи; сувнинг энг баланд, паст ва бошқа характерли сатҳларининг (баҳорги муз кўчишларида, музнинг ҳаракати ва тиқилишида ва б.), тафсилоти; музнинг ҳисобий қалинлиги ва муз бўлакларининг муз кўчишидаги ўлчамлари; ўзан ва қайир учун оқимнинг ўртача ҳисобий тезлиги; сув ости чўкиндиларининг гранулометрик (механик) таркиби ва ўртача диаметри; тўлқинларнинг ҳисобий баландлиги. |
| Қор кўчкилари | Қор кўчкиларининг асосий параметрлари тўғрисида маълумотлар. | Қор қопламининг қалинлиги ва режими ҳамда қор бўронлари ҳақида, қор кўчкиларининг пайдо бўлиш ҳақида, қор кўчкиларини йиғгичлар ва қор бўронлари воситасида кўчириладиган ёндош участкаларнинг морфометрияси ҳақида, қор кўчкиси узиладиган чизиқнинг энг баланд ҳолати, қор кўчкиси оқимининг зичлиги ҳақида маълумотлар. |

110. Юқори кучланишли (35 KV ва ундан юқори кучланишли) ҳаво электр узатгичлари қурилишига инвестицияларни асослашни ишлаб чиқиш учун муҳандислик гидрометеорология изланишлари. Бу изланишлар трасса йўналиши ва сув объектларидан ўтиш створларини гидрометеорологик нуқтайи назардан асослаш учун бажарилади.

111. Ҳаво линияси трассасининг оптимал йўналишини ва подстанциянинг жойлашиш жойини танлаш трасса ўтказиладиган туманнинг гидрологик, метеорологик ва картографик ўрганилганлик материаллари асосида амалга оширилиши керак.

112. Трасса ҳар бир вариантининг ўрганилганлик материалларини таҳлил қилиш натижасида қуйидагилар белгиланиши керак:

туманнинг иқлим параметрлари (регионал хариталар ва маълумотнома – услубий материаллар бўйича аниқланади);

трасса кесиб ўтадиган сув объектларининг умумий сони ва уларнинг ўрганилганлик ҳолати;

ҳаво линияси трассаси II ва III мураккаблик гуруҳига мансуб сув объектларидан ўтадиган жойларининг жойи;

трассанинг сув объектлари ҳамда селлар ва қор кўчкилари содир бўлиш эҳтимоли бор зоналар бўйлаб ўтказиладиган участкалари.

113. Ҳаво линияси трассаси сув объектларидан ўтиш жойининг мураккаблик гуруҳига мансублиги 11.3-жадвалда келтирилган шароитларни ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

114. Муҳандис-гидрологик ишларнинг таркиби трассани кесиб ўтадиган сув объектларининг кенглигига ва сув акваторияси доирасида ёки қайирда махсус таянч устунлари ўрнатилиши заруриятига боғлиқ равишда аниқланади.

I мураккаблик даражали сув объектлари гуруҳига кирувчи (кичик) ўтиш жойлари учун, уларнинг сони ва ҳаво линияларининг таянч устунларини ўрнатишда ҳисобга олинадиган водийнинг гидрологик-морфологик характеристикасини аниқлаш керак.

II ва III мураккаблик даражали сув объектлари гуруҳига кирувчи (ўрта ва йирик) ўтиш жойлари учун муҳандислик изланишлари таркибида қуйидагиларни кўзда тутиш керак:

ўтиш жойлари участкаларининг муфассал гидрологик-морфологик изланишлар;

энг баланд сувларнинг тарихий сатҳини, қайирни сув босиш такрорийлиги (частотаси), давомийлиги ва даврини, муз оқиши пайтидаги энг паст ва энг баланд сув сатҳини аниқлаш;

музлаш режимининг хусусиятларини ўрганиш ва қайирда муз оқишининг кўрсаткичларини (ўзан ва эски ўзан музи) аниқлаш;

гидрологик режим кўрсаткичларини ўрганилганлик материаллари ёки бевосита усуллар асосида ҳисоблаш;

ўзан ва қайир деформацияларининг дастлабки башорати ва б.

115. Ҳаво линияси трассасининг оптимал йўналишини танлашда биринчи навбатда қуйидаги ҳолатларни ҳисобга олиш керак:

трассанинг сув объекти билан кесишган ўтиш оралиғи ва ушбу чизиқли иншоотнинг ҳисобий ўтиш оралиғига нисбати;

қайирни сув босгандаги энг кенг ва энг чуқур миқдори, унда муз оқишининг мавжудлиги;

ўтиш жойларида музлар тиқилиб қолиш эҳтимолининг мавжудлиги;

кемалар қатновининг мавжудлиги ва кемаларнинг энг баланд ўлчамлари.

116. Ҳаво линиялари трассаси йўналишини (подстанция жойлашган жойни) танлаш учун муҳандислик гидрометеорология изланишларида аниқланадиган гидрологик ва метеорологик кўрсаткичлар рўйхати мазкур Қоидалар тўпламининг 11.3 ва 11.4-жадвалларда келтирилган.

117. Ҳаво линиясининг танланган йўналишида ўтказиладиган муҳандислик гидрометеорология изланишлари трассанинг сув объектларидан ўтиш жойларидаги муҳандис-гидрологик шароитларни муфассал ёритиш (бу маълумотлар қурилишга инвестицияларни киритиш босқичида олинган) ҳамда чизиқли иншоотлар лойиҳасини асослаш учун талаб қилинган ҳисобий гидрологик ва метеорологик кўрсаткичларни олиш учун бажарилади.

I мураккаблик даражали сув объектлари гуруҳига кирувчи сув объектлари учун лойиҳа ҳужжатларини асослаш учун бажариладиган муҳандислик изланишлари таркибида ўтиш жойлари участкаларини рекогносцировка текширишлари ўтказишни режалаштириш керак. Бу ҳолда ўтиш жойлари створининг ҳолатига аниқлик киритиш, дарё ўзани ва қайирининг морфометрик кўрсаткичларини, сув сатҳининг ўзгариш амплитудалари ва ўтиш жойларида дарё ўзани, шунингдек, қайирининг емирилишга (ювилишга) бардошлилигини аниқлаш кўзда тутилиши керак.

II ва III мураккаблик даражали сув объектлари гуруҳи учун муҳандислик изланишлари таркибида ўтиш жойлари участкаларини муфассал текшириш ва гидрологик режимни кузатишларни (етарли даражада ўрганилмаган тақдирда) кўзда тутиш керак.

118. Гидрологик режимни кузатишларни дарёларнинг кўприклар участкаларидаги гидрологик режимини ўрганиш учун тавсия қилинган таркибда (оқим юзасидаги тезсик ва йўналишларни ўрганиш бўйича олиб борилган ишлар билан тўлдирилган ҳолда) олиб бориш керак (11.3-жадвалга қаранг).

**11.3-жадвал**

| Ўтиш жойининг мураккаблик гуруҳи | Ҳаво линияси трассасининг сув объектидан ўтиш шароитлари |
|---|---|
| I | Сув объекти қайир билан биргаликда аниқ ҳаво линиясини лойиҳалаш учун қабул қилинган таянч устунларидаги (чизиқли) битта ҳисобий оралиқ билан кесишади. |
| II | Сув объекти ўзанининг ва қайирининг эни ёки қирғоқлар емирилиш (ювилиш) зонаси ҳисобий оралиқдан катта. Бу ҳолда, асосан, тагликли чизиқли таянч устунлар қўллаш ёки пойдеворларни махсус муҳофазалаш талаб қилинади. |
| III | Кема қатнови бўлган дарё ёки канал баландлиги 50 m дан ортиқ махсус таянч устунлари қўллаш ёрдамида кесиб ўтилади. Бундан ташқари, масофаси 700 m дан ортиқ бўлган оралиқ билан кесиб ўтиладиган ҳар қандай сув объекти (таянч устунларининг баландлигидан қатъи назар). |

Эслатма. Ушбу жойда ҳаво линияларини лойиҳалаш учун қўлланиладиган чизиқли таянч устунлари оралиғининг қиймати лойиҳачи томонидан техник топшириқда кўрсатилган бўлиши керак.

119. Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун олиб борилган муҳандислик гидрометеорология изланишлари натижасида бутун трасса бўйлаб иқлим кўрсаткичлари, сув объектлари режимининг ҳисобий кўрсаткичлари олиниши керак. Шу билан бир қаторда, ҳаво линиясининг трассаси ўтиш участкасида ўтиш таянч устунларини ўрнатишни, уларнинг конструкциясини танлашни ва, зарурат туғилганда, муҳандислик муҳофазаси чора-тадбирлари ҳамда иншоотлари ишлаб чиқишни асослаш учун зарур таркибдаги гидрологик шароитлар тўғрисида маълумотлар олиниши керак (11.4 ва 11.5-жадваллар).

▶ ДАВОМИ КЕЛГУСИ СОНЛАРДА

# Шаҳарсозлик ҳужжатлари тўлиқ бўлмаган қурилишлар ўрганилмоқда

**Аслиддин ТЎЙЛИЕВ,** Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бўлим бошлиғи.

**Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ишчи гуруҳи томонидан ҳудудларда олиб борилаётган қурилиш ишларининг қонунийлигини ўрганиш бўйича мониторинг ишлари давом этмоқда. Навбатдаги мониторинг давомида Самарқанд шаҳридаги шаҳарсозлик ҳужжатлари тўлиқ расмийлаштирилмаган бир қатор объектлар ўрганилди.**



Хусусан, Фарҳод кўчаси 2-манзилда фуқаро И. Ҳасанов томонидан қурилаётган бино, Гагарин кўчаси 36-манзилда “STROY DOM SIYOB” МЧЖ томонидан қурилаётган кўп қаватли турар жой биноси, Спитаменшоҳ кўчаси 264-манзилда “PRESTIGE LIGHT HOUSE” МЧЖ томонидан барпо этилаётган кўп қаватли турар жой биноси, Боғдод кўчаси 26-манзилда “SAMARQAND OXYGEN SERVICE” МЧЖ томонидан қад ростлаётган кўп қаватли турар жой биноси, Спитаменшоҳ кўчаси ҳудудида фуқаро Ў. Абдуллаев томонидан қурилаётган меҳмонхона, М-37 магистрал автомобил йўли ёқасида “TOLIB BOBO AKT” ва “Matlubov Boulding” МЧЖлар томонидан қурилаётган кўп қаватли турар жой бинолари ана шундай объектлар сирасига киради.

Бундан ташқари, Қорасув массивида “Sam Texno Stroy Invest” МЧЖ, “Binokor-C” МЧЖ, “Sam Ros Stroy” МЧЖ томонидан барпо этилаётган кўп қаватли турар жой бинолари, Илғор кўчаси 25-манзилда “Riviera INVEST XXX” МЧЖ томонидан қурилаётган турар жой бинолари ҳудудий назорат қилиш инспекциясидан рўйхатдан ўтмасдан амалга оширилаётганлиги аниқланди.

“Riviera INVEST XXX” МЧЖ томонидан ушбу объектда қурилиш ишлари ўзбошимчалик билан олиб борилаётганлиги сабабли инспекция ходимлари жорий йилнинг март ва май ойларида огоҳлантириш хати ҳамда шу йилнинг 27 июлида қурилишни тўхтатиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар берилган. Шунга қарамасдан қурилиш ишларини давом эттирганлиги сабабли МЧЖ раҳбари “Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги Кодекснинг 99-моддаси 7-қисми билан маъмурий жавобгарликка тортилган.

Ишчи гуруҳ ушбу объектдаги қурилиш ишларининг сифатини ўрганганда, қурувчи томонидан қатор қоидабузарликларга йўл қўйилгани аниқланди. Хусусан, ора ёпма темир-бетон плиталар монтаж қилинганда оралиқ масофаси лойиҳада 14 см қолдирилиши кўрсатилган, бироқ жойида 5 см масофа қолдирилган. Перимичкалар лойиҳада кўрсатилган талаблар асосида бажарилмаган ва коррозияга, яъни занглашга қарши бўялмаган. Қурилиш материалларини сақлаш учун махсус омборхоналар ташкил қилинмагани оқибатида арматуралар коррозияга учрамоқда, яъни занглашни бошлаган. Пардадеворларда терилган газаблокларнинг вертикал ва горизонтал чоклари қоришма билан тўлиқ тўлдирилмаган, арматураланган антисейсмик камарлар ишчи лойиҳа асосида бажарилмаган. Шунингдек, объектга олиб келинган плиталарнинг сифати ўрганилганда, белгиланган талабларга жавоб бермаслиги аниқланиб, заводга қайтариб юборилди.

Юқоридаги қонун бузилиш ҳолатлари юзасидан инспекция мутахассислари томонидан фуқаро ва тадбиркорларга тегишли кўрсатмалар берилиб, шаҳарсозлик ҳужжатларини тўлиқ расмийлаштириш ва рўйхатдан ўтиши тушунтирилди. Рўйхатидан ўтгунга қадар объектларда қурилиш-монтаж ишларини тўхтатиш бўйича ёзма кўрсатмалар берилди.

Бу каби мониторинг ишлари вилоятимизнинг барча ҳудудларида мунтазам ўтказиб келинмоқда.

# Назорат – сифатга кафолат



**Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Албатта, қурилишда назорат катта аҳамиятга эга. Назорат орқалигина қурилиш сифатига эришиш мумкин.**

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси инспекторлари ҳамда қурилиш-синов лабораторияси мутахассислари томонидан бир қатор қурилиш объектларида мониторинг ишлари олиб борилмоқда. Мониторинг натижасида “Янги Ўзбекистон” массивларида ҳам олиб борилаётган қурилиш ишларида бир қатор камчиликлар аниқланди.

Хусусан, Кегайли туманидаги “Актуба” ОФЙ “Янги Ўзбекистон” массивида “Нукус конструкция қурилиш” МЧЖ томонидан қурилиш ишлари олиб борилаётган 5 қаватдан иборат турар жой объектининг иккинчи қаватида ажратиб турувчи деворлар (перегородка) мустаҳкамлигини ошириш учун ўрнатиладиган металл сим сеткалар ўрнатилмагани, деворларнинг 8 квадрат метр жойидаги ғиштнинг сифатсиз терилгани аниқланди.

Шунингдек, Беруний туманининг “Наврўз” МФЙ ҳудудидаги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси буюртмачилигида “Бунёдкор Қорақалпоғистон” МЧЖ томонидан қурилиш-монтаж ишлари олиб борилаётган 24-сонли мактабгача таълим муассасаси биносидаги капитал таъмирлаш жараёнида ҳам қатор камчиликлар борлиги аниқланди. Жумладан, бино ва қурилмаларнинг сейсмик хавфсизлигига таъсир қилувчи, шунингдек, конструктив қоидабузарликлар, тасдиқланган лойиҳа ҳужжатлари талаблари бузилгани, теновой навес жойида ғиштнинг сифатсиз терилгани аниқланди.

Аниқланган барча камчиликларни тез орада бартараф этиш бўйича кўрсатмалар берилиб, унинг ижроси назоратга олинди. Мониторинг ишлари давом этмоқда.

# Чегарачиларга янги уйлар топширилди

**Азиз МАШРАБОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Музработ туманида Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисмларнинг бирида сарҳадларимиз посбонлари учун барча қулайликка эга янги уйларни фойдаланишга топшириш маросими бўлиб ўтди.**



Сурхондарё вилоят ва туман секторлар раҳбарлари, чегарачилар, ҳарбий пенсионерлар, нуронийлар, ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари иштирок этган тантанали тадбирда мамлакатимиз Қуролли кучларида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида гапирилди.

Ватанимиз чегараларининг мард, жасур посбонлари учун 9 миллиард 500 миллион сўм маблағ эвазига қурилган 27 оилага мўлжалланган уч қаватли турар жой биноси ва бешта бир қаватли коттеж уйларда барча замонавий шароит яратилган. Ҳарбий хизматчилар оилаларининг бандлигини таъминлаш учун тикувчилик цехи ҳам барпо этилган. Бундай эътибор нафақат ҳарбий хизматчилар, балки уларнинг оила аъзолари қалбида ҳам фахр-ифтихор туйғусини янада юксалтирди.

– Кўп қаватли уйда барча шароит яратилган, – деди янги хонадонлардан бирининг бекаси Маҳфуза Абдураимова. – Хоналар кенг, шинам. Зарур буюмлар билан жиҳозланган. Ҳарбий хизматчилар оиласининг бундай қулайликларга эга хонадонда яшаши уларнинг оила аъзоларидан кўнгли хотиржам ўз вазифасини янада самарали бажаришида муҳим омил бўлади. Тикувчилик цехи эса вақтинча ишсиз оила аъзоларининг бандлигини таъминлаб, рўзғорига қўшимча даромад олиб келади. Биз, ҳарбийларнинг оиласига кўрсатилаётган ғамхўрликлар учун давлатимиздан беҳад миннатдормиз.

Маросимда вилоят ҳокими, ҳарбий-маъмурий сектор раҳбари Улуғбек Қосимов ҳам қатнашиб, чегарачилар ва уларнинг оила аъзоларига янги хонадонларнинг калитларини тантанали равишда топширди.


# “СЛУЖБА ЗАКАЗЧИКА В СФЕРЕ СТРОИТЕЛЬСТВА” ФЕРГАНСКОГО ОБЛАСТНОГО ХОКИМИЯТА

## ОБЪЯВЛЯЕТ ТЕНДЕРНЫЕ ТОРГИ!

**Правительство Республики Узбекистан получило финансирование от Всемирного банка на реализацию проекта “Развитие сельской инфраструктуры” и намерено направить часть вырученных средств на выплаты по контракту для подрядных работ по следующим объектам:**

| № п/п | Номер контракта | Наименование объекта | Сметная стоимость согласно заключению Госэкспертизы (сум без НДС) | Срок строительства (календарных дней) | Залоговое обеспечение в виде Банковской гарантии (сум) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | MOEI-RIDP-FER-54 | Капитальный ремонт электроснабжения” населенного пункта махаллинского схода граждан (МСГ) “Катаболтакул” Куштепинского района Ферганской области | 2 103 562 254 | 90 | 42 071 245 |
| 2. | MOEI-RIDP-FER-55 | Капитальный ремонт электроснабжения населенного пункта махаллинского схода граждан (МСГ) “Кизиларык” Куштепинского района Ферганской области | 3 998 443 267 | 120 | 79 968 865 |
| 3. | MOEI-RIDP-FER-56 | Капитальный ремонт электроснабжения населенного пункта махаллинского схода граждан (МСГ) “Калдушон” Фуркатского района Ферганской области | 4 955 569 134 | 120 | 99 111 383 |

По объектам, ранее опубликованным в газете “O‘zbekiston bunyodkori” за № 88-89 от 17 октября 2023 года, внесены изменения относительно сметной стоимости.

**Список данных объектов и обновленная сметная стоимость представлены в таблице ниже:**

| № п/п | Номер контракта | Наименование объекта | Сметная стоимость согласно заключению Госэкспертизы (сум без НДС) | Срок строительства (календарных дней) | Залоговое обеспечение в виде Банковской гарантии (сум) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | MOEI-RIDP-FER-30 | Асфальтирование внутренних дорог 5-й категории в МСГ “Намуна” Куштепинского района Ферганской области | 1 606 825 810 | 90 | 32 136 516 |
| 2. | MOEI-RIDP-FER-32 | Капитальный ремонт систем электроснабжения населенного пункта махаллинского схода граждан (МСГ) “Борот” Куштепинского района Ферганской области | 1 269 275 546 | 90 | 25 385 511 |
| 3. | MOEI-RIDP-FER-37 | Капитальный ремонт электроснабжения населенного пункта махаллинского схода граждан (МСГ) “Йулдошобод” Куштепинского района Ферганской области | 1 202 641 703 | 90 | 24 052 834 |
| 4. | MOEI-RIDP-FER-38 | Капитальный ремонт электроснабжения населенного пункта махаллинского схода граждан (МСГ) “Кайрагоч” Куштепинского района Ферганской области | 855 740 138 | 90 | 17 114 803 |
| 5. | MOEI-RIDP-FER-41 | Капитальный ремонт электроснабжения населенного пункта махаллинского схода граждан (МСГ) “Истиклол” Язъяванского района Ферганской области | 1 448 001 188 | 90 | 28 960 024 |
| 6. | MOEI-RIDP-FER-42 | Асфальтирование внутренних дорог 5-й категории МСГ “Корасой” Язъяванского района Ферганской области | 999 129 596 | 90 | 19 982 592 |
| 7. | MOEI-RIDP-FER-48 | Капитальный ремонт электроснабжения населенного пункта махаллинского схода граждан (МСГ) “Чеккуприк” Фуркатского района Ферганской области | 1 748 862 879 | 90 | 34 977 258 |

***Примечание:*** *Лоты MOEI-RIDP-FER-33 и MOEI-RIDP-FER-46 согласно письму Заказчика временно приостановлены.*

## “Служба заказчика в сфере строительства” Ферганского областного хокимията

приглашает подрядчиков принять участие в торгах на выполнение вышеописанных работ. Торги будут проводиться в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленными в “Правилах закупок для заемщиков ФИП Всемирного банка” и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в Правилах.

По объектам электроснабжения необходимо наличие лицензии на строительство объектов повышенного риска. (Участник должен продемонстрировать действительную лицензию, дающую право на проведение высоковольтных работ).

Заинтересованные правомочные участники торгов могут получить более подробную информацию в **Государственном учреждении “Консалтинговый центр по организации государственных закупок в сфере строительства по Ферганской области”** и ознакомиться с тендерной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 по нижеуказанному адресу.

Полный комплект тендерной документации на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты невозмещаемого взноса. Оплата для покрытия расходов по распечатке и рассылке/транспортных расходов составляет **330 000 сум.**

**Получатель:** ГУ “Консалтинговый центр по организации конкурсных торгов в строительстве по Ферганской области”.

**Банковские реквизиты:** Ферганский филиал “InFinBank” р/с: 2021 0000 2037 6761 8001 ИНН 202 529 457 МФО 01128.

Тендерные предложения должны быть действительны в течение 60 дней после вскрытия тендерных предложений и сопровождаться залоговым обеспечением только в виде банковской гарантии по прилагаемой к тендерной документации форме.

Тендерные предложения должны быть доставлены по указанному адресу не позднее **18:00** (по ташкентскому времени) **23 ноября 2023 г.,** где они будут вскрыты в присутствии участников торгов, желающих принять участие в этом процессе. Запоздавшие предложения будут отклонены. **Цены тендерных предложений должны быть указаны без НДС.**

**Организация для подачи предложений:**

Государственное учреждение “Консалтинговый центр по организации государственных закупок в сфере строительства по Ферганской области”.

**Адрес:** Ферганская область, г. Фергана, ул. С. Темура, дом, 111“б”.

**Тел.:** (99899) 615-68-91, 615-68-92.

**E-mail:** fartender@mail.ru

**Ответственный представитель консалтингового центра:** М. Содиков.


“Sardor qurilish MAKS” МЧЖ “O‘zbekiston bunyodkori” газетасининг 2023 йил 24 октябрдаги 90(743)-сонида чоп этилган эълонда берилган савдолар вақтинча тўхтатилганини маълум қилади.

# ЎҚИТУВЧИ ВА ТАЛАБАЛАР ИШТИРОКИДА ИЖОДИЙ УЧРАШУВЛАР









**Аввал хабар қилганимиздек, "O'zbekiston bunyodkori" ижтимоий-иқтисодий газетаси ходимларидан иборат ижодий гуруҳ мутахассисларнинг фаолиятларида даврий босма нашрларнинг тутган ўрнини билиш, газетанинг келгусидаги мазмун-мундарижасини режалаштириш мақсадида турли ташкилотларда ижодий учрашувлар ташкил этиб келмоқда.**

Бу сафарги ана шундай учрашув Наманган муҳандислик-қурилиш институтида бўлиб ўтди. Таҳририят бош муҳаррири Дилшод Жалолов ҳамда ўқитувчи-профессорлар ва талабалар иштирокидаги ушбу учрашув самимий ва очиқ мулоқот тарзида ўтди.

Тадбирда сўз олган институтнинг Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Одилжон Жакбаров таҳририят билан доимий ҳамкорлик қилиш бугуннинг долзарб масаласи эканини эътироф этиб, ўқитувчи ва талабаларга соҳа газетасини мунтазам ўқиб бориш фойдадан ҳоли бўлмаслигини таъкидлади. Шунингдек, Қурилиш факультети декани ўринбосари Тоҳиржон Қосимов ҳамда устозлар Мухаммадамин Хусаинов, Собиржон Раззоқов, Аҳмаджон Тўхтабоев, Баҳодир Дедаханов, Алишер Алиназаров қурилиш соҳасига жорий этилаётган янгиликлар ҳақида гапириб, улардан бохабар бўлишда ушбу нашр катта аҳамиятга эга эканини тушунтириш баробарида, газетанинг мазмун-мундарижасида яна қандай мавзудаги мақолалар бериб бориш зарурлиги тўғрисида ўз таклифларини билдиришди.

– Жорий йилнинг бошида Туркияда бўлган кучли зилзила архитектор ва қурувчиларнинг ўз соҳаларида ҳали қилинадиган ишлар кўплигини кўрсатиб қўйди, – деди профессор Собиржон Раззоқов. – Бизнинг республикамиз сейсмик ҳудудлар сирасига киради. Шу сабабли, қурилаётган янги иншоотларнинг мустаҳкам бўлиши учун қандай усуллардан фойдаланишни билиш даркорлигини даврнинг ўзи тақазо этмоқда. Биноларни қуришда даставвал меъморий-лойиҳа хулоса (АПЗ)ни ҳар бир архитектор ва қурувчи ипидан-игнасигача билиши лозим. Ана шуларни яқиндан билиш учун соҳа вакилларига "O'zbekiston bunyodkori" газетаси энг яқин кўмакчи бўлиши керак, деб ўйлайман.

Худди шундай ижодий учрашув Андижон иқтисодиёт ва қурилиш институти ўқитувчи ва талабалари иштирокида ҳам бўлиб ўтди.

Унда иштирок этган институтнинг Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Илҳомжон Эргашев, Архитектура ва қурилиш факультети декани Бегзод Собировлар талаба-ёшларга бугунги кунда юртимизда содир бўлаётган барча янгиликлардан бохабар бўлиш, уларнинг билим олишларида газетанинг нечоғли зарур экани ҳақида гапиришди.

Тадбирда институт катта ўқитувчилари Баҳодир Тўхлибоев, Аҳмаджон Абдураҳмонов, ўқитувчилар Баҳодир Режаббоев ва Ҳаётхон Исмоиловалар сўзга чиқиб, газета саҳифаларида берилаётган мақолалар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, нашрни мазмунан бойитиш учун яна қандай рукнлар ташкил этиш, қайси мавзулардаги мақолаларни чоп этиш бўйича таклифларини беришди.

Ўз навбатида, учрашувда иштирок этган талабалар, ўқитувчилар ҳам газетанинг янада қизиқарли ва ўқишли чиқиши юзасидан таклиф ҳамда мулоҳазалари билан ўртоқлашишиб, келгусида газета саҳифаларида илғор талаба-ёшларнинг мазмунли мақолалари чоп этилишига, бу каби ижодий учрашувлар тез-тез ўтказиб турилишига истаклари борлигини билдиришди. Кўтаринки кайфият ҳамда қизғин савол-жавобларга бой бўлган самимий учрашув барчада катта таассурот қолдирди.

Бугун ана шундай ижодий учрашув Фарғона политехника институтининг Қурилиш факультетида ҳам бўлиб ўтди. Яқин кунларда бу каби тадбирлар Бухоро, Самарқанд, Жиззах ва Тошкент шаҳарларидаги қурилиш соҳасига кадрлар етказиб берувчи олий ўқув юртларида ҳам ўтказилиши кўзда тутилган.

**Ўз мухбирларимиз.**

# Ходимлар малакаси соҳа ривожида муҳим

**Муродбек ҲАЙДАРОВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**"Ўзсувтаъминот" АЖ томонидан "Wyndham Tashkent" меҳмонхонаси тадбирлар залида ОАВ вакиллари ҳамда блогерлар учун "Соҳада кадрлар сиёсати: муаммо ва ечимлар" мавзусида халқаро матбуот анжумани ташкил этилди. Матбуот анжуманида ОАВ вакиллари, акциядорлик жамияти билан ҳамкорликда фаолият юритаётган республикадаги етакчи олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари ҳамда халқаро ҳамкор ташкилот вакиллари иштирок этишди.**





Таъкидланишича, бугунги кунда "Ўзсувтаъминот" АЖ тизимида жами 23 011 нафар ходим фаолият юритиб келмоқда. Хусусан, 1 488 нафар бошқарув, 4 457 нафар мутахассис ва 1 157 нафар техник ходим, шунингдек, 12 929 нафар ишчи, 2 986 нафар хизмат кўрсатувчи ходим шулар жумласидандир. Олий маълумотли ходимлар сони 3 656 нафар (16 фоиз), ўрта-махсус маълумотлилар 10 384 нафар (45 фоиз), ўрта маълумотли ходимлар 8 971 нафар (39 фоиз)ни ташкил қилади.

Шу билан бирга, ўтган уч йил давомида соҳа кадрларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда муносиб иш шароитлари билан таъминлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Бинобарин, соҳа бўйича ўртача ойлик иш ҳақи миқдорлари 1,4 миллион сўмдан 2,3 миллион сўмга етказилди. Иш ҳақи миқдорларини ошириш бўйича ишлар давом эттирилмоқда. Соҳада "KPI" тизими жорий этилган бўлиб, истеъмолчилар билан ишловчи ходимлар бугунги кунда 8 миллион сўмгача иш ҳақи олмоқда. Ходимлар меҳнатини рағбатлантириш ҳамда узоқ муддат ишлаганлик учун қўшимча устамалар бериш жорий этилди. Шунингдек, иш самарадорлигини ошириш ҳамда меҳнат шароитини яхшилаш мақсадида компьютер техникалари, махсус кийим ва анжомлар билан таъминланиб бориш йўлга қўйилди.

Жорий йилда мазкур тизимда фаолият кўрсатиб келаётган ходимларни ўқитиш ва малакасини ошириш ишларини янада жадаллаштириш мақсадида ичимлик сув таъминоти ва оқова сув хизматлари соҳаси фаолиятини бошқаришнинг замонавий усулларини жорий этишни илмий-услубий қўллаб-қувватлаш ҳамда соҳага инновацион технологик ечимлар, илмий асосланган замонавий ёндашувларни жорий этиш йўналишида 2023 йилнинг 9 ойида қарийб 5 минг нафар ходимнинг касбий малакаси ва касбий билими оширилиб, қайта тайёрланди. Бундан ташқари, тизимдаги кадрларни ўқитиш ва малакасини ошириш мақсадида уч йил давомида жами 315 нафар ходим тавсиялар асосида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинди.

Қайд этилишича, "Ўзсувтаъминот" АЖ ва унинг тизимидаги корхоналари 10 дан ортиқ олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда фаолият олиб бориши йўлга қўйилган. Ушбу олийгоҳлар талабалари учун "Ўзсувтаъминот" АЖнинг ҳудудий сув таъминот корхоналари иншоотларида ўқув-семинарлар ўтказилди. Битирувчиларни тизим корхоналарига ишга жойлаштириш бўйича тизимли иш йўлга қўйилган.

– Жорий йилда "Ўзсувтаъминот" АЖ тизимида фаолият олиб бораётган ходимларнинг халқаро молия институтларининг дастурлари асосида Туркия, Франция, Буюк Британия, Венгрия, Швеция, Россия давлатларида малака оширишдилар, – деди Кадрлар бўлими бош мутахассиси Азиза Ғафурова. – Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириғига асосан, Осиё тараққиёт банки ҳамда Корея Эксимбанки техник кўмаги асосида "Ўзбекистонда ичимлик сув йўқотишларини қисқартиришни қўллаб-қувватлаш" лойиҳаси доирасида хорижий илғор тажрибани ўрганиш мақсадида жами 80 нафар "Ўзсувтаъминот" АЖ ва ҳудудий сув таъминоти корхоналари ходимлари Жанубий Кореяда малакаси оширилди. Ушбу кўрсаткич келгуси йилда 130 нафарга етказилиши кўзда тутилган.

Соҳа ходимларини малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлаш ишларини доимий ва сифатли амалга ошириб бориш мақсадида, "Ўзсувтаъминот" АЖ Корея Республикасининг "K-water" компанияси билан ҳамкорликда "Илмий марказ" ташкил этиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур "Илмий марказ"да соҳа учун зарур бўлган иншоот ва тармоқлар эксплуатацияси, GIS, SCADA ва сув йўқотишларини бошқариш, энергосамарадорлик, метрология ва гидравлика, ахборот технологиялари, истеъмолчилар ва жамоатчилик билан ишлаш, молиявий бошқарув ва бошқа соҳалар мутахассислиги бўйича кадрлар малакаси оширилиб борилади.

# Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

## Ноябрь ойининг илк ҳафтасида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Ички аудит бўлими бошлиғи **Илҳом Маманов,** Бухгалтерия бўлими бош мутахассиси **Алишер Ҳайтметов,**

Қурилишда техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти бош мутахассиси **Асилбек Мазитмуратов,**

"Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти" Давлат муассасаси етакчи мутахассиси **Ҳасан Бараев,** электрик **Акмал Юлдашев,**

"Қишлоққурилишлойиҳа" МЧЖ бош лойиҳа қидирув институти бош архитектори **Қобил Ҳашимов,**

"Ташгипрогор" АЖ бухгалтери **Насиба Шогиёзова,** 4-сонли қурилиш-архитектура сектори гуруҳ раҳбари **Людмила Менг,** электрик **Вадим Бузаев,** Вертикал кўкаламзорлаштириш сектори бош муҳандиси **Регина Родимцева,** бош муҳандис **Наталья Тэн,**

"O'zog'irsanoatloyiha" АЖ катта муҳандиси **Жасур Юлдашев,** Ахборот-алоқа тизимлари хизматлари сектори раҳбари **Денис Пузыренко,**

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси лаборанти **Саламат Атамуратов,** ҳайдовчи **Парахат Алламбергенов,** етакчи инспектор **Мийрас Даулетов,**

Андижон вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи **Рустамбек Хожибоев,** Қўрғонтепа тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи – бош архитектор **Дилмурод Исмоилов,**

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Туман ва шаҳар қурилиш бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси **Бекзоджон Амонов,**

Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи **Бобир Маматов,** Аҳоли пунктлари шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўлими бошлиғи **Мираббос Махаматов,** Дўстлик тумани Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Воҳиджон Мирзаев,** фаррош **Назира Раимжанова,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Қурилиш-синов лабораторияси бўлими мутахассиси **Жавоҳир Фозилжонов,**

Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси бош ҳисобчиси **Акмал Избосаров,** қоровул **Жўрақул Хушанов,**

Самарқанд вилояти, Булунғур тумани Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Сафар Мусаев,** Самарқанд тумани Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Сардор Фарҳодов,** "Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish respublika markazi" DM Самарқанд вилояти бошқармаси шартномалар бўйича иқтисодчи **Ҳилола Назарова,**

Хоразм вилояти, Урганч шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими Объектларни жойлаштириш ва бош режаларни амалга ошириш масалалари бўйича архитектори **Журъатбек Аллаберганов,** Ҳазорасп тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи – туман бош архитектори **Фурқат Собиров,**

Қорақалпоғистон Республикаси, Чимбой туманидаги "Shimbay uy-jay onlaw" МЧЖ бош директори **Дарябай Бахиев,**

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманидаги "Baxrom Obod Professional Boshqaruv" МЧЖ бош директори **Баҳром Бабаджанов**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!**

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Батир Закиров
(Таҳрир ҳайъати раиси),
Шерзод Ҳидоятов,
Давронжон Адилов,
Озода Жўраева,
Козим Туляганов,
Юлдаш Магрупов,
Жамшид Исмаилов,
Бобир Элмуродов,
Қудратбек Хошимбеков.

**ТАҲРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100011, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 18-уй.
**Телефонлар:**
71-241-01-49 (қабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-49 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-658-50-43.
**Андижон вилояти:** 91-479-55-11.
**Бухоро вилояти:** 99-704-66-69.
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Қашқадарё вилояти:** 90-287-50-29.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 91-365-07-36.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сирдарё вилояти:** 99-831-11-15.
**Сурхондарё вилояти:** 97-847-30-11.
**Фарғона вилояти:** 90-349-55-56.
**Хоразм вилояти:** 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-1137.
1619 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 3 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**
Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – Р. Хўжаева.

**Навбатчи** – А. Ҳақбердиев.

ЎзА якуни –
Топширилди – 23.50. 1 2 3 4 5 6

Газетанинг навбатдаги сони 2023 йил 10 ноябрь куни чиқади.